

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК_____

НАСРУЛЛАЕВ САИДМУРОД РАШИДОВИЧ

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш бўйича халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка
имплементация қилиш масалалари**

5А240122 - Прокурорлик фаолияти

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Бош прокуратура
Академияси катта ўқитувчиси, и.ф.н
Файзулла Ибодуллаевич Мирзаев

Тошкент - 2020

Мундарижа

КИРИШ	3
I-БОБ. ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЙ-ХУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ	11
1.1. Жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси ва ушбу соҳадаги жиноятчилик тўғрисидаги асосий криминологик назариялар	11
1.2. Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар.....	26
II-БОБ. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА УЛАРНИНГ АЙРИМ ДАВЛАТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПИШИ	31
2.1. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро-хуқуқий актлар.....	31
2.2. Айрим хорижий давлатларнинг жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни ўз қонунчилигига имплементация қилиш амалиётининг ўзига хос хусусиятлари	43
III БОБ. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	65
3.1. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасида халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	65
3.2. Жиноий даромадларни легаллаштиришга оид жинояти ишларини юритишда “молиявий тергов” процессуал ҳаракатини жорий этиш истиқболлари	81
ХУЛОСА	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93
ИЛОВАЛАР	98

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш жаҳон миқёсида долзарб масалага айланган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш энг кенг тарқалган ва хавфли трансмиллий жиноятлардан биридир деб топилганлиги¹ ҳамда масала ечимининг мураккаблиги давлатларнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда терроризм иллатини йўқ қилиш борасидаги саъй ҳаракатларига тўсқинлик қилиб келмоқда. Жиноий даромадларни легаллаштиришнинг кенг ҳажмлилиги, унинг давлатга ва жамиятга етказётган зарари мазкур мавзунинг оғриқли нуқтаси ҳисобланади. Шунингдек, бу қилмиш жамиятда коррупция иллатлари, мол-мулкни офшор зоналарни ишлатган ҳолда олиб чиқиб кетиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар томонидан фойдасини яшириш ва солиқлардан бўйин товлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, «Сўнгги йилларда жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ турли хил жиноятлардан келадиган жиноий даромадлар глобал ялпи маҳсулотнинг 2 фоизидан 5 фоизигача, яъни 1 дан 3 триллион АҚШ долларигача миқдорни ташкил этади»². Ўзбекистон Республикасида ҳам қонунга хилоф равишда олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш жиддий масала бўлиб ҳисобланади. Чунончи, жиноий даромадларни легаллаштириш иллати Республика ҳудудига инвестицияларни жалб қилинишига салбий таъсирини кўрсатиб, мазкур жараёнга тўсқинлик қилиб келётган асосий факторлардан биридир.

Бундан ташқари, **тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда ўз аксини топади:**

¹ 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси”нинг 6-моддаси.

² http://www.imf.org/external/russian/pubs/ft/ar/2017/pdf/ar16_rus.pdf

Биринчидан, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бу соҳани ҳам чеклаб ўтмади. Хусусан, 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида **«жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, трансмиллий жиноятлар учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни жорий этиш» суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.** Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида қуйидагича: “Суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20-25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли, парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига халқаро стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.”³, - фикрни бериб ўтди. Мурожаатномада белгилаб олинган масалаларни ҳал этиш учун ривожланган Европа мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш ва уни миллий қонунчиликка жорий этишнинг алоҳида жиҳатларини тадқиқ қилиш лозим бўладики, бу ҳам мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Иккинчидан, 1990 йил Страсбург шаҳрида Европа Кенгашининг ташаббуси билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

³ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi manbaa: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

легаллаштиришни аниқлаш, уларни олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги қонунга хилоф равишда даромадларни ошкорлаштиришга қарши курашга янгича ёндашув ҳамда технологияларни ўз ичига олган Конвенция қабул қилинди. 1993 йилнинг ноябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро дастури доирасида қонунга хилоф равишда олинган даромадларни ошкорлаштиришга қарши қонуний чора-тадбирлар ишлаб чиқадиган мамлакатларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартибида гиёҳвандликка, жумладан, наркотик моддаларнинг қонунга зид муомаласидан олинган пулларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги Қонун модели қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят Кодексига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш учун жиноий жавобгарликнинг киритилиши (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 243-моддаси), бу борада муайян даражада огоҳлантирувчи таъсирга эга бўлган бўлсада, бироқ мавжуд вазиятни тубдан ўзгартира олмади, натижада қонунга хилоф равишда олинган даромадларни ошкорлаштирилишига қарши курашга комплекс ёндашув ғояси амалга оширилмай қолди. Агарда Базел бошқарув Институти томонида ҳар йили эълон қилинувчи “Bazel AML INDEX” (Швецария) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш кўрсаткичлари бўйича минимал эксперт ҳисоботларига эътибор қаратсак, 2012-2019 йиллар давомида Ўзбекистон бу борада 10 баллик баҳолаш тизимида ҳисоблаганда ўртача 5-6 баллга баҳланмоқда. Бу кўрсаткич Марказий Осиё давлатлар кўрсаткичига нисбатан паст бўлишига қарамай, Болтиқбуйида жойлашган мамлакатлар кўрсаткичидан анча юқори ҳисобланади. “Bazel AML Index-2019” маълумотларига кўра, Ўзбекистон капитални ноқонуний олиб чиқиб кетиш бўйича мазкур рейтингда мавжуд 125 та давлатлар орасидан 50-ўринни эгаллаган ⁴.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳам қонунга хилоф равишда олинган даромадларни ошкорлаштиришга қарши кураш ва бу соҳада

⁴ <https://www.baselgovernance.org/sites/default/files/2019-08/Basel%20AML%20Index%202019.pdf>

конунчиликни мукамаллаштириш борасида катта қадам ташланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонуни билан «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги конунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шунингдек, 2018 йилнинг 20 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3947-сон “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилиб, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти унинг ишчи органи этиб белгиланди. Республика ва ҳудудларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва молия-банк тизимидаги ҳуқуқбузарликларга қарши мувофиқлаштирилган кураш олиб бориш ушбу давлат органининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Тўртинчидан, 2004 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмга қарши кураш бўйича фаолият юритувчи ФАТФ халқаро ташкилоти МДХ ҳудудида фаолият кўрсатувчи “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Евроосиё регионал гуруҳи” (ЕАГ)ни ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси унинг аъзоси ҳисобланади. Бу гуруҳнинг асосий вазифалари сифатида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасида аниқ йўналишларни белгилаш, жараённи ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини баҳолаш, бу ишларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, чуқур таҳлил қилиш ва тажриба алмашиш белгиланган.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли фармонига асосан ФАТФ тавсияларидаги талабларни ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш назарда тутилганлигини мазкур жиноят бўйича жиноятларни олдини олиш уларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, миллий қонунчиликка бу каби ўзгартириш ва қўшимчанинг киритилиши жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши самарали курашишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қаратилган кенг ислоҳотлар олиб борилишига қарамасдан, бу соҳада илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммолар жуда кўп.

Жиноий даромадларни легаллаштиришни жиноят кодексидаги муаммоларидан бири, бу мазкур тоифадаги жиноятларни жиноят ҳуқуқи фани назариясида етарли даражада ёритилмаганлигидир. Хусусан, ҳозирги кунгача мамлакатимиздаги олий юридик муассаларда фан сифатида ўтилаётган мазкур мавзуга оид адабиётлар ва ўқув қўлланмалари мавжуд эмас.

Магистрлик диссертацияси объекти жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг предмети — жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш механизмининг муаммолари, тизимни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти, илғор хорижий тажриба, илмий нуқтайи назарлар ва услубий ёндашувлар ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг мақсади миллий қонунчиликда кўрсатилган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш масалалари, мазкур жараёнда мавжуд тизимнинг самарадорлигини ошириш йўлларини тадқиқ этишдан иборат.

Ушбу мақсадларга эришиш учун магистрлик диссертацияси олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчасини таҳлил этиш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш мақсад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ёритиш;
- жиноят қонунчилигидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ бўлган жиноятларни тизимлаштириш ва уларни таҳлил этиш;
- мазкур жиноятнинг криминалогик тавсифини шакллантириш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш қарши кураш ҳолати бўйича имкониятларини илмий таҳлил этиш;
- жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги халқаро актларни таҳлил этиш ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини ўрганиш;
- жиноий даромадларни легаллаштиришда халқаро ҳамкорликка оид қонунларни таҳлил қилиш ва унинг натижалари бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг методологик асоси ва усулларини умумижтимоий (фалсафий), махсус илмий ва ҳуқуқий методлар ташқил этиб, диссертация предметини ёритиб беришда муаллиф томонидан диалектик-материалистик, мантиқий (анализ, синтез) методлардан ҳамда соҳага доир статистик маълумотларни таҳлил қилиш, формал-мантиқий, кузатув каби махсус-илмий методлардан фойдаланилган.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг ўрганилганлик даражаси.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни жиноий ҳуқуқий, криминологик ва криминалистик, халқаро-ҳуқуқий масалари бўйича маҳаллий тадқиқотчилардан Ж. Нематов, Ж.Ш. Нарзиев, И.М. Мирзараимов, М.Х. Рустамбоев, Н.С. Салаев, Г.З.Тулаганова ҳамда Ф.М.Фозиловлар илмий изланишлар олиб борганлар. Аммо республикамизда жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятчилигига қарши кураш соҳасини халқаро стандартларга мослаштириш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари тўғрисида ғарб олимлари И.А. Киселев, Е.С. Леханова, Г.Готтселиг, П.Глисон, П.Лилли, Х.Х.Кернер ва Э.Дахнинг, шунингдек, ҳамдўстлик давлатлари доирасида А.Г.Волеводз, А.К.Бекряшев, А.Васильев, А.И.Алешкин, В.В.Меркушин, В.Д.Ларичев, В.М.Алиев, В.А.Абаканова, Д.Б.Жамбалов, И.А.Клепицкий, И.П.Белозеров, И.Л.Третьяков, И.С.Тумаков Н.Зелинская, Ю.Г.Васин, С.Б.Чернов ва Я.М.Злоченконинг тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мазкур Магистрлик диссертацияси юқоридаги илмий ишлардан энг аввало жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги миллий қонунчили аҳволи ва уни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари кўшиб ўрганилганлиги, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ғарбий мамлакатларда фаолият юритувчи П. Бернаскони, К. Мюллер, Ж. Робинсон, К. Коттке, М. Делмас-Марти, В. Гилморе, Ф. Уилямс каби бир катор хорижий экспертларнинг монографиялари ва тадқиқот ишларига ҳам эътибор қаратганлиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг илмий янгилиги, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизимини соҳага оид халқаро стандартларга асосан шаклланиши лозим бўлган “молиявий тергов” механизми орқали

такомиллаштириш мақсадида, ушбу процессуал жараённинг назарий жиҳатлари таҳлил этилиб, бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, мазкур магистрлик диссертацияси натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизимининг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Шунингдек, мазкур изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқотларни олиб боришда, юридик олий ўқув муассасаларида иқтисодий жиноятларга қарши курашишга оид модулларни ўтиш ҳамда монографиялар тайёрлашда фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, диссертация жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизимини амалий жиҳатдан сифати ва самарадорлигини оширишга ҳамда уни бугунги замон талабларига мослаштиришга хизмат қилади.

Диссертация тузилмасининг тавсифи. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, диссертация кириш, олти параграфни қамраб олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади. Диссертация ҳажми 18000 сўздан иборат бўлиб, мавзуга оид 70 дан ортиқ манбадан фойдаланилди.

I-БОБ. ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЙ-ХУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

1.1. Жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси ва ушбу соҳадаги жиноятчилик тўғрисидаги асосий криминалогик назариялар

Жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси илк бор "Money Laundering" (пул ювиш) атамаси остида XX асрнинг 20-йиллари охирларида АКШда пайдо бўлиб, кейинчалик, 80-йилларда "гиёхвандлик воситалари савдосидан тушган ноқонуний даромадларни легаллаштириш" маънаси англатувчи тушунча сифатида кенг тарқалган ⁵.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг глобал тенденцияси ўтган асрнинг охирларида ўзининг ҳақиқий йўлини топа бошлади. Бирок, баъзи мамлакатларда бундай қарши ҳужумга эҳтиёж аллақачон пайдо бўлган. Масалан, Кўшма Штатларда Буюк депрессия даврида гангстерлар ва мафия кланлари спиртли ичимликлар контрабандаси, ноқонуний қимор ўйинлари, қуролли талончилик ва 40-йилларда рекетдан катта даромад олишган. Пулни ювиш жараёни миллионлаб нақд пулларни муомалага чиқаришга имкон берадиган хусусий кир ювиш воситаларини яратиш билан бошланди. Бугунги кунда биз фойдаланадиган "пул ювиш" атамасининг келиб чиқиши ана шу "кир ювиш" операцияларига бориб тақалади.

Бутун дунё ҳуқуқшуносларининг таҳлиллари шуни кўрсатадики, деярли ҳар бир жиноят қандайдир моддий қийматликка эришишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат бўлади. Ижтимоий хавфли қилмиш натижасида олинган пул ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад деб эътироф этилади. Бундай даромадни иқтисодга жалб қилиш ёки ўз эҳтиёжлари учун сарфлаш ва бу орқали қандайдир фойда олиши ёки мулкка эга бўлиши, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромад ҳисобидан қандайдир бошқа хизматлар кўрсатилиши орқали

⁵ Oswald K. Die Implementation gesetzlicher Masnahmen zur Bekämpfung der Geldwasche in der Bundesrepublik Deutschland. Freiburg . Br. 1997. S. 7.

қонуний тус беришга ва бажарувчисини яширин сақлашга қаратилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Бу жиноят бевосита порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, коррупция, таъмагирлик, одамларни гаровга олиш, молиявий фирибгарлик, терроризм ва бошқа жиноятларни содир этилиши билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан, мазкур тушунчани нафақат жиноят ҳуқуқи фани балки, криминология ва халқаро ҳуқуқ соҳалари қонунчилиги доирасида ҳам ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Демак, жиноят ҳуқуқи назариясида кўрсатилишича **жиноий фаолиятдан олинган даромад деганда**, шахс жиноят содир этиш натижасида, масалан: контрабанда, наркотик моддалар, қуроли билан савдо қилиш, ғайриқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб олган даромад тушунилади.

Легаллаштириш бу – иқтисодий жиноятлардан бири бўлиб, ноқонуний йўллар билан топилган пул ва бошқа мол-мулкларни легаллаштиришни англатади. Бу фаолият дастлабки капитални йиғиш воситаси сифатида коррупция, манфаатпарастликни юзага келтиради. Бунга бир мисол сифатида XX аср охиридаги МДХнинг кўплаб давлатарини олишимиз мумкин. Мазкур постсовет давлатларида бозор иқтисодига ўтиш даврида етарли даражада қонун билан тартибга солинмаган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг қўлида

ноқонуний капиталнинг тўпланишига шароит яратди. Бу «хуфёна» капитал ёхуд муомалада «хуфёна» иқтисодиёт номини олди.

Демак, легаллаштириш ўз моҳиятига кўра – «хуфёна» капитал соҳасидан пул маблағларини чиқариш ва уларни қонуний муомала соҳасига киритиш, пул маблағига ёки бирон-бир мол-мулкка маълум бир жисмоний ёки юридик шахснинг қонуний мулки мақомини бериш бўйича жиноий фаолиятдир.

1984 йилда АҚШ президенти ҳузуридаги махсус комиссия раиси Рамилсон Р. жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қўйидагича таъриф берган эди: “Пулларни легаллаштириш (тозалаш) – бу шундай жараёнки, унинг воситасида даромадларнинг мавжудлиги, ғайриқонуний келиб чиқиши ёки улардан ғайриқонуний фойдаланиш яширилади ва сўнгра бу даромадлар қонуний келиб чиқишга эгадек туюлиши учун ниқобланади”⁶.

Демак, ноқонуний йўллар билан тўпланган мулк амалда қонуний мулкка айланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ошқора даромад манбаи бўлмасада, улар ўз реал даромадларидан бир неча бор юқори бўлган йирик миқдордаги пул маблағи билан операция ўтказиши, кўчмас мулк сотиб олиши ва бошқа харидларни амалга ошириши – бунинг барчаси легаллаштириш белгиларидир.

Амалиётда асосан жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ўтказиш, айлантириш ва алмаштириш йўллари билан легаллаштирилади. **Ўтказиш деганда**, жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари билан банкларда қандайдир молиявий операцияларни амалга ошириш; **айлантириш деганда эса**, ҳар қандай фуқаро ҳуқуқий битим: олди-сотди битимини, алмашиш, ҳадя ва ҳоказо битимларни тузиш ёки жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни қонуний тадбиркорлик ёки бошқа ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил қилиш ёки иш олиб боришига сарфлаш; **алмаштириш**

⁶ Неъматов Ж.А. Уголовно-правовые проблемы международного сотрудничества в борьбе с легализацией доходов, полученных от преступной деятельности. Дисс... канд. юрид. наук. - Ташкент: Академия МВД

деганда, сўмнинг ҳар қандай хорижий валютага конвертацияси маънолари англашилади. Жиноятнинг диспозициясида қайд этилган ҳар қандай ҳаракат амалга оширилган вақтдан тугалланган ҳисобланади. Шундай экан, жиноят натижасида олинган мол-мулкни ўтказиш деганда нафақат пул маблағларини, балки фуқаролик муомаласида бўлиши тақиқланмаган ҳар қандай мол-мулкни бир шахсдан бошқасига ўтказишни тушиниш лозим.

Мулкка айлангириш деганда – ҳар қандай фуқаровий ҳуқуқий битим: олди-сотди битимини, алмашиш, ҳадя ва ҳоказо битимларни тузиш ёки жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни қонуний тадбиркорлик ёки бошқа ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил қилиш ёки иш олиб боришга сарфлаш тушунилади .

Жиноятнинг асл хусусиятини яшириш ёки сир сақлаш деганда, жиноий даромад тарзидаги нарса ёки буюмнинг асл ҳолатини ўзгартириш тушунилади. Бундай ҳаракатлар деганда ўғрилиқ, босқинчилик, талончилик, пора олиш каби жиноятларнинг предмети ҳисобланган тилла тақинчоқлар, рангли металлар, заргарлик буюмларидан бошқа хилдаги буюмлар ясашни тушуниш лозим. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан амалга оширилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ва жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни ошкорлаштиришда иштирок этган ақли расо шахс ҳисобланади. Бундай жиноят учун мансабдор шахс моддий бойлик (қимматликлар) билан тақдирланган ёки моддий даромад олган ҳолатларда қилмишни ЖК 243-моддаси билан бир қаторда, ЖК 210-моддаси бўйича пора олиш сифатида квалификация қилиш лозим.

Ушбу жиноятнинг бевосита тажовуз предмети – пул маблағи ёки мол-мулк ҳисобланади. Пул маблағлари деганда, нафақат пул ва валюта балки банк ва йўл чеклари, инвестиция қимматбаҳо қоғозлари, облигациялар, сертификатлар, товар айрибошлаш ҳужжатлари, олди-сотди шартномалари, займлар ва кредит ҳужжатлари ҳам тушунилади. Мол-мулк – бу кўчмас мулк,

шунингдек транспорт воситалари, қимматбаҳо буюмлар, олий ва камёб металллар.

Бутун дунёда бўлгани сингари республикамизда ҳам хуфёна, жиноий йўл билан олинган даромадларининг иқтисодиётга киритилганлиги ва киритилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз айнан, ҳозир бу ижтимоий салбий иллатни бартараф этиш чораларини кўрмасак, унинг оқибатлари жуда хунук бўлиши мумкин. Чунки, хуфёна иқтисодиёт ҳиссасининг ортиб бориши жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайишига олиб келади.

Хуфёна иқтисодиётни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири, бу жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ҳисобланади. Жиноий йўл билан олинган даромадларнинг асосий қисми назоратни четлаб, савдо-сотик муомаласига киритиш йўли билан легаллаштирилади.

Қонунда жиноий йўллар билан топилган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликни белгиланлиги, у энг аввало, уюшган жиноятчиликка қарши курашни, ушбу жиноятчиликнинг молиявий асосларига зарба бериш мақсадида амалга оширилади. Ушбу муаммо барча давлатлар учун бирдек долзарб бўлиб қолмоқда. Қонунга хилоф равишда топилган пулларни легаллаштиришнинг қуйидаги салбий оқибатларига алоҳида эътибор бериш зарур деб, ўйлаймиз. Бу қилмиш жиноятчиларнинг жазодан қутилиб қолиш мумкинлиги ҳиссини вужудга келтиради. Бу эса жиноятни, айниқса, уюшган жиноятчиликни ёқимли машғулотга айлантиради, оқибат натижасижа эса жамиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асосини емиради, ҳуқуқий нормаларга таҳдид солади; Жиноий ташкилотлар ўзларининг келажакдаги фаолиятларининг молиялаштириш имкониятига эга бўладилар; Жиноий ташкилотлар томонидан айрим молиявий муассалардан назоратсиз фойдаланиш, охир оқибатда молиявий тизимга катта зарар етказади. Бундай зарар, айниқса, иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар учун хавфлидир. Иқтисодий ва молиявий жиноий ташкилотларда жамланиши оқибатида ушбу

давлатларнинг иқтисодиёти, ҳокимиятнинг демократик тизими ва бошқаруви издан чиқарилиши мумкин.

Жиноятчилар қурол-яроғлар, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдоси, контрабанда, талон-тарожлар, қимор ўйинлари, аудио-видео ва бошқа қонунга хилоф фаолиятлари натижасида олинган жуда катта миқдордаги маблағларга қонуний тус бериш мақсадида, уларни легаллаштиришга, муомалага киритишга ҳаракат қиладилар.

Бундай йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш усуллари турличадир. Қонунга хилоф равишда олинган нақд пуллар ва бошқа қимматликлар, масалан, банкка қўйилиши ёки кўчмас мулкка сарфланиши мумкин. Кўчмас мулк кейинчалик сотилади ва бу пуллар қонуний тус олади.

Айрим ҳолларда пулларни легаллаштириш мақсадида тижорат билан шуғулланувчи сохта ташкилотлар тузилади. Қонунга хилоф йўллар билан топилган маблағларни легаллаштиришда банклар катта роль ўйнайди.

Шу сабабдан ҳам банк операцияларининг қонунийлиги, банк фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар устидан прокурор назоратининг кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси учун ҳам қонунга хилоф равишда олинган даромадларни ошкорлаштиришга қарши кураш жиддий муаммо ҳисобланади.

Иқтисодиётдаги маъмурий буйруқбозлик режали тақсимлаш ўрнини, товар-пул муносабатларини молиявий иқтисодий бошқариш механизмини эгаллаш тадбиркорликнинг ривожланиши ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашувида товар тақчиллигининг йўқотилиши, яъни мулкдорлар қатламининг юзага келиши ўтиш даврининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятчилик сабаблари тўғрисидаги асосий назариялари тўғрисида фикр юритар эканми, Мамлакатимизда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қаратилган кенг ислохотлар олиб борилишига

карамасдан, бу соҳада илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммолар мавжудлигини ҳисобга олишимиз зарур. Бу муаммолардан бири жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг тўлиқ криминологик тавсифи юритилмаганлигидир.

Жиноятнинг криминологик тавсифи-ҳодисанинг бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли информацион модели ҳисобланиб, тахминий хулоса чиқариш, учун асос бўлади. Жиноят криминологик тавсифи ўзига хос ролни бажаради: у бўлиш эҳтимоли мумкин бўлган ҳодисанинг информацион моделини яратиш имконини беради⁷. Бундай модел эса жиноятларни тез очиш, жиноятларни олдини олиш ва тергов қилишининг бошқа вазифаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Жиноятнинг тавсифи таркибини муайян элементлар ташкил этиб, унинг мазмунини жиноят ҳуқуқий, жиноят процессуал, криминалистик, криминологик, психологик, шунингдек жиноятнинг бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли моделини тиклашга қаратилган бошқа маълумотлар ташкил этади⁸. Шу сабабли жиноятнинг криминологик тавсифи жиноятга нисбатан бериладиган жиноят-ҳуқуқий ва криминологик тавсифлардан иборат.

Криминологик тавсифининг элементлари барча жиноятлар учун бир хил бўлмай, жиноятнинг типга оид хусусиятларига қараб турлича бўлади.

Жиноятнинг хусусий назариясида криминологик тавсифи элементларига бағишланган кўплаб қарашларни учратиш мумкин. Хусусан, жиноятнинг криминологик тавсифига И.Ф.Пантелеев жиноятни олдини олишда ушбу жиноятдаги моддий изларнинг типга оид тавсифини, хусусиятларини⁹, И.А. Возгрин виктимликка оид хусусиятларини, жиноят ва жиноий ҳаракатларнинг типга оид оқибатларини яширишни, кенг тарқалган

⁷ Т.В.Аверьянова, Р.С.Белкин, Ю.Г.Корухов, Е.Р. Россинская. Криминалистика. Учебник для вузов. Под ред. Заслуженного деятеля науки Российской Федерации, профессор Р.С.Белкина. - М.: Издательство группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. -Б. 688.

⁸Тумаков Илдус Сейтгереевич. Криминалистическая характеристика легализации (отмывания) денежных средств и иного имущества, приобретенных преступным путем, и ее использование при выявлении и расследовании этой категории преступлений Екатеринбург 2004. 16 ст

⁹ Пантелеев И.Ф. Методика расследования преступлений. М., 1985. С. 10.

жиноятни олдини олиш тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни¹⁰, И.Ф.Герасимов жиноий қилмишнинг кенг тарқалганлигини, уни аниқлаш ва фош этишнинг ҳамда уларни олдини олиш ўзига хос жиҳатларини, жиноятларни олдини олиш ҳодисанинг типга оид хусусиятларини, механизмларини¹¹ киритишни таклиф этади. Ушбу фикрда жиноятни тавсифнинг айрим элементлари акс этмаган, яъни жиноятчи ва жабрланувчининг шахси каби муҳим белигилар назардан четда қолдирилган. Шубҳасизки, криминологиянинг умумий назарияси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашнинг ўзига хос тавсифини ишлаб чиқишда фойдаланиш зарур.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг тавсифи ушбу жиноятнинг жиноий тавсифи билан узвий боғлиқдир. Улар қўйидагиларан иборат: жиноий тажовуз объекти; жиноятни содир этиш, усули; жиноятни содир этиш вақти, жойи ва шароит; изларни ҳосил бўлиш механизми; мотив ва мақсад; жиноятчининг шахси.

Юқоридаги криминологик тавсифининг ҳар бир элементига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Тажовуз объекти, ушбу жиноят бўйича тажовуз объекти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 243-моддасида кўрсатилган жиноий фаолиятдан олинган мулк (пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар) ҳисобланади.

Кибертўловдан ҳозирги кунда асосий тўлов воситалари бўлган валюта, кредит карточкалари, чеклар, дебиторлик карточкалари ва нақд пулсиз автоматлаштирилган пул ўтказишларда фойдаланилмоқда. Уларни амалга ошириш вақтида қоғоз пулларнинг ўрнини босувчи электрон воситалардан–қоғоз пулларнинг ҳамма атрибутлари ва хусусиятлари мавжуд бўлган кибер валютадан фойдаланилади.

ФАТФнинг 1999 йилги махсус хизмат органлари фаолияти якуни бўйича ҳисоботида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиларнинг кредит

¹⁰ Возгрин И.А. Научные основы криминологической методики расследования преступлений. СПб, 1993.-Б. 25.

¹¹ Криминалистика / Под ред. И.Ф. Герасимова, Л.Я. Драпкина. М., 1994. Б. 330.

карточка, “интернет тизими” орқали амалга оширилаётган банк операцияларини етарли даражада кузатиш имкониятига эга эмаслиги таъкидланган¹².

Тажовуз объектининг муҳим белгиси легаллаштириш жараёнида унинг ўзгарувчанлигидир. Масалан, жиноят натижасида олинган пул маблағлари мол-мулк сотиб олишга ишлатилади. Франциянинг интерпол бюросида 14 та ушбу тоифадаги жиноят ишлари таҳлил қилинганда (14 ҳолатдан еттитасида) жиноятчилар криминал фойдаларини олтинга, санъат асарларига, машиналарга, самолётларга инвестициялаган. Пул маблағларини легал бизнесга киритишда жиноятчилар дархол “бир ўк билан икки қуённи урадилар”: нафақат мулкни легаллаштириш, балки қўшимча фойда олишлари ҳам мумкин. Тажовуз объектига фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулклар кирмайди, уларни легаллаштиришнинг имконияти йўқ. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни фуқаролик муомаласида бўлиши таъқиқланган, жумладан ўк отар қурол, ўк дорилар, портловчи моддалар ёки портлаш қурилмалари, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, радиоактив материаллар, наркотик ёки психотроп моддалар, фуқаролар эгалигида бўлиши мумкин бўлмаган техник воситалар билан алмаштириш, бизнинг фикрмизча, ЖКнинг 243-моддаси предмети ташкил этмайди. И.С. Тумаковнинг фикрича¹³, шахс жиноий даромадлардан махфий эшитиб туришда ишлатиладиган махсус техник қурилмаларини сотиб олишга сарфласа, легаллаштириш жинояти бўйича жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмайди¹⁴. Бироқ, шахс махфий эшитиб туришда фойдаланиладиган махсус техник қурилмаларни сотиб олиш учун лицензияга (бошқа мажбурий белгиларга) эга бўлса, у легаллаштириш жинояти билан жиноий

¹² Годовой отчет Специальной финансовой комиссии по проблемам отмывания денег за 1998-1999 гг. Приложение. Париж, 1999. С. 16-18.

¹³ Тумаков И.С. Криминалистическая характеристика легализации (отмывания) денежных средств и иного имущества, приобретенных преступным путем, и ее использование при выявлении и расследовании этой категории преступлений. Екатеринбург 2004. 39 ст.

¹⁴ Тумаков И. С. Криминалистическая характеристика легализации (отмывания) денежных средств и иного имущества, приобретенных преступным путем, и ее использование при выявлении и расследовании этой категории преступлений. Екатеринбург 2004. 39 ст.

жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Бизнинг фикримизча, жиноий йўл билан олинган пул маблағларини фуқаролик муомаласида бўлиши таъқиқланган мол-мулкларни олиш учун ўтказиш, шунингдек шу мақсадда молиявий операцияларни амалга ошириш билан жиноий даромад қонуний бўлиб қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида жиноят натижасида орттирилган мулк объекти сифатида Фуқаролик кодексининг 169-моддасида ҳар қандай мулк бўлиши назарда тутилган.

Бироқ, ФКнинг 169-моддасида назарда тутилган қатор мулк ҳуқуқи объектлари, яъни ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи легаллаштиришнинг предмети бўла олмайди. Чунки, бундай мол-мулклар жиноий йўл билан қўлга киритилганлиги билан фуқаролик муомаласида бўлиши мумкин эмас ва шу муносабат билан уларни легаллаштириш имкониятлари мавжуд эмас. Мазкур ҳолатда Олий суд Пленуми жиноий даромадларни легаллаштириш предмети доирасини асоссиз равишда кенгайтириб юборган.

“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисида”ги Страсбург конвенциясида кўрсатилишча, “мол-мулк деганда мол-мулкнинг ҳар қандай турини, ашёвий ёки ашёвий бўлмаган, кўчар ёки кўчмас, худди шунингдек шундай мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ берувчи юридик актлар ёки ҳужжатлар тушунилади”¹⁵.

Ушбу жиноятни олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун жиноий даромадларни легаллаштириш усулларини унга курашувчи органлар яхши билишлари керак. Унга кўра жиноий йўл билан олинган пул-маблағлари ва

¹⁵ Сборник документов Совета Европы в области защиты прав человека и борьбы с преступностью. М., 1998. -Б.168-184

бошқа мол-мулкларга қонуний тус бериш қаратилган легаллаштириш жиноятини содир этишга тайёргалик кўриш, содир этиш ва изларни яширишнинг комплекс ҳаракатлар, босқичлари мажмуига айтилади.

Жиноятни содир этиш усули қуйидагилардан таркиб топган: жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш; жиноятни содир этиш; жиноят изларини яшириш.

Ҳозирги кунда жаҳонда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши уларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилишга қарамасдан легаллаштиришнинг янги усул ва тизимлари “ихтиро” этилмоқда.

А.В. Соловьев жиноий даромадларни легаллаштириш усулларини моделлар, иқтисодиёт соҳалари ва жиноят содир этилган жой бўйича бўлишни таклиф этади¹⁶.

Кўпгина муаллифлар жиноятни содир этиш усуллари сифатида жиноий даромадларни легаллаштириш босқичини ажратиб кўрсатади. “...биринчидан, топилган пул маблағларининг жиноийлигини ниқоблаш учун уни ўтказиш, иккинчидан, терговни чалғитиш учун изларни яшириш ва учинчидан пулнинг касбий ёки географик келиб чиқишини сир сақлаган ҳолда ундан фойдаланишни таъминлаш”¹⁷.

БМТ нинг исхтисослаштирилган ташкилоти легаллаштириш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлади: жойлаштириш (пул маблағларини легал иқтисодиётга жойлаштириш ёки уларни кантрабанда йўли билан хорижий давлатга чиқариш); ажратиш (пул маблағларини мураккаб тузулмалар орқали унинг манбасидан ажратиш); интеграция (легаллаштирилган пул маблағларини қонуний иқтисодиётга киритиш)¹⁸.

¹⁶ Соловьев А.В. Элементы криминалистической характеристики легализации преступных доходов // Следователь. 2002 . № 8. С. 24.

¹⁷ Драпкин Л. Я., Злоченко Я. М., Вафин Р. Р. Наркотрафик в современном мире: психофизиологические и нейрофизиологические методы исследований противодействию финансированию международного терроризма. Екатеринбург, 2003. С. 116.

¹⁸ Джек А. Блам, Майкл Леви, Р. Томас Нэйлор, Фил Уильмс. Финансовые убежища, банковская тайна и отмывание денег. ООН. Нью-Йорк, 1999. С. 6.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши Швейцариялик К. Мюллер “ноқонуний” пулларни легаллаштиришнинг тўрт секторли моделини ишлаб чиқди. Ҳар бир секцияда ўзига хос хусусиятга эга бўлган ички секцион операциялар амалга оширилади. Биринчи секторда дастлабки легаллаштириш амалга оширилади, иккинчисида эса–легаллаштирилган пул маблағлари контрабанда учун бир ерга тўпланади. Учинчи босқичда эса легаллаштирилган пул маблағлари молиявий тизимларга киритилади. Тўртинчи секторда эса легал бизнесда тамомила легаллаштирилган интеграция жараёни амалга оширилади¹⁹.

Ай.С.Тумаков, жиноят содир этишни олдини олишда ушбу жиноят усуллари қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, легаллаштирилаётган мол-мулк миқдори ва жиноят субъектининг жамиятга қарши қаратилган ҳаракатлар шаклига қараб қуйидаги гуруҳга ажратади: жиноий даромадлар легаллаштириладиган иқтисодиёт соҳалари; содир этиш жойи; иштирокчилик тури ва шакли; легаллаштирувчи шахснинг биринчи жиноятни содир этишда иштироки; асосий жиноятни содир этиш усулларининг легаллаштириш усуллари билан боғлиқлиги; даромад қандай жиноят натижасида топилганлиги; жиноят субъекти шахси, малакаси, маълумоти; криминал қилмишни яширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳокимият органлари вакиллари иштироки; легаллаштирилган пул маблағларининг сарфланиши; қўлланиладиган техник воситалар; жиноят содир этиш усулларининг, битимларнинг содир этиш тезлиги; жиноий даромадларни легаллаштириш мақсади²⁰.

Айрим олимлар ушбу жиноятларни олдини олиш бўйича жиноий даромадларни легаллаштириш бўйича кўриб чиқилаётган юқоридаги моделлар криминалогик аҳамиятга эга эканлигини, улар ортиқча назариялаштирилган ва

¹⁹ Muller C. Gebdwascherei: Motwe-Formen-Adwehr. Treuhand-Kammer. 1992.

²⁰ Тумаков И.С. Криминалистическая характеристика легализации (отмывания) денежных средств и иного имущества, приобретенных преступным путем, и ее использование при выявлении и расследовании этой категории преступлений Екатеринбург 2004. 89 ст.

криминал воқеиликдан узоқлашганлиги боис мураккаб ниқобланган жиноятни тез ва тўла очиш, деб таъкидлайди²¹.

Бизнинг фикримизча, бундай фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, жиноятнинг крминологик тавсифи жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини содир этиш мумкин бўлган инфармацион моделини яратишдан иборатдир. Шундай экан, мазкур жиноятни содир этишнинг мумкин бўлган, ҳатто амалиётда учрамайдиган усулларини ҳам таҳлил этиш ушбу тоифадаги жиноятларни тез ва тўла очиш, уларни олдини олиш ва тергов қилишнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Кўришиб турибдики, усулларни таснифлаш-бу одийгина гуруҳларга ажратиш эмас, балки ички ва ташқи факторларга қараб муайян тартибга солишдир.

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини содир қилиш *вақти ва жойи*. ЖК 243-моддаси диспозициясида жиноятни содир қилиш вақти объектив томонининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилмаган. Одатда, суд-тергов амалиётида ҳар қандай жиноятни содир қилиш вақти аниқ кўрсатилади. Аммо бу кўрсатилган вақт жиноий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай, содир этилган жиноят ҳодисасини исботлашнинг бир элементи сифатида кўрсатилади. Биринчи навбатда шунга эътибор қаратиш лозимки, ушбу жиноят фаол ҳаракат натижасида содир этилади: пул маблағлари билан боғлиқ молиявий операцияларни амалга ошириш ёки битимлар тузиш. ЎзР ЖК 243-моддасида молиявий операциялар ёки фуқаролик битимлари тўғрисида бевосита кўрсатилмаган. Аммо, жиноий йўл билан олинган даромадларга қонуний тус одатда, унга нисбатан молиявий операцияларни амалга ошириш ёки бошқа битимлар тузиш йўли билан берилади. Ҳар қандай молиявий операция ёки битим ўзининг тузилиш вақти ва жойига эга бўлади. Мазкур тоифдаги жиноятларни содир этиш, жиноий даромадлар турган жойини исботлаш шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жойини белгилаш ва унинг мол-мулкини мусодара қилиш имкони беради.

²¹ Драпкин Л.Я., Злоченко Я.М. Способы легализации незаконных доходов. Организованная преступность и коррупция. 2001. №1. С. 67.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу жиноятнинг мотив ва мақсади, жиноятни содир этишда асосий бошқарув воситасини мотив, аввал туртки бўладиган ҳолат ва ҳолатдан келиб чиқиб мақсад ташкил қилади. Жиноят ҳуқуқида мотив деб, жиноятчининг бузуқ нияти, шахсда жиноят содир қилиш учун журъат туғдирадиган ва жиноятни амалга оширишга сабаб бўладиган ҳолат сифатида таърифланади.

Ушбу жиноятлар бўйича мотивни ўрганиш жиноий ҳолатни, жиноятчи шахсини аниқлаш, айбнинг фош қилиш каби масалаларга аниқлик киритиши билан муҳимдир. Мотив ва мақсад бир-бири билан узвий боғлиқдир мақсад жиноятчининг харакатини тартибга солувчи функцияни бажаради, жиноятчининг мақсадини аниқлаш жиноий фаолият ва иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади. Бунда жиноий даромадни топган шахс, жиноий даромадларни легаллаштирган шахс, легаллаштиришдаги уларнинг роли, иштирокчилик белгилари исботлаш лозим бўлган ҳолатларга киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро стандартлар жиноий даромадларни легаллаштиришнинг ижрочиларига маслаҳат берган шахсларни легаллаштириш учун жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутди. Одатда бундай шахсларга юристлар, адвокатлар ёки банк хизматчилари назарда тутилиб, уларга нисбатан мустақил жиноий жавобгарлик киритишни таклиф қилаётган муаллифларни кўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир²².

Ушбу жиноятнинг шахси ҳам ўзида инсоний хусусиятлар йиғиндисини ифодалайди. Шунинг учун жиноятчи шахсини ўрганишда нафақат унинг ўзига хос хусусиятлари, балки умуминсоний хусусиятлар ҳам инобатга олинади. Шахснинг ҳаракатларида ғайриқонуний фактнинг мавжудлиги шахс ғайриижтимоий хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради¹⁶.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу жиноятни очиш ва уларни олдини олишда кўпинча бошқа фанлар, педогогика, психология

²² Лопашенко Н.А. Преступления в сфере экономической деятельности: понятие, система, проблемы квалификации и наказания. Монография. -Саратов: СГАП. 1997. С. 186.

¹⁶ Анаксимов С. Организованная преступность в Российской Федерации: состояние и прогноз развития 1/ Уголовное право. М., 1998.

маълумотларидан фойдаланилади. Шахсини ўрганиш методларини ишлаб чиқишда юқоридаги фанлар маълумотларини эътиборга олиш лозим. Юқоридаги ҳолатлар тўғрисидаги маълумот айбланувчи яқинларидан, қўшниларидан, жамоа аъзоларидан сўров йўли билан олинади. Жиноий гуруҳ учун – гуруҳдаги ўзаро муносабатларига эътибор қаратилади.

1.2. Жинойй даромадларни легаллаштириш жиноятининг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар

Жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти сабабларини ўрганишда легаллаштиришнинг усулларига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Бу усуллар бевосита порахўрлик, мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш, коррупция, таъмагирлик, одамларни гаровга олиш, молиявий фирибгарлик, терроризм ва бошқа жиноятларни содир этилиши билан боғлиқдир.

Жинойй даромадларни легаллаштиришга қарши курашувчи давлат органларининг маълумотларига кўра бугунги кунда мазкур жиноят қуйидаги усуллар билан амалга оширилмоқда: молиявий операциялар; олди-сотди битими, займ (қарз), кредитлаш; ишбилармонлик фаолияти; қалбаки иқтисодий фаолият (сохта фирма ва корхона очиш). Уларнинг классификацияси: шахсий ёки «тўда» манфаати учун даромад олиш мақсадида давлат идоралари мансабдор шахсларининг савдо-сотик фаолиятида қатнашиши; давлат маблағларини савдо-сотик тизимига кўчириш («перекачка») ва уларни нақдлаштириш («обналичивание»); давлат ресурсларини жалб қилган ҳолда ўз «тўда»сининг (сиёсий, диний, миллий) манфаати учун имтиёз яратиш; шахсий ёки «тўда» манфаати йўлида оммавий ахборот воситаларига таъсир ўтказиш; давлат хизматчилари томонидан савдо-сотик тизимидаги асосан яқин қариндошлари номига расмийлаштирилган сохта фирмалардан фойдаланиш; шахсий манфаат кўриш мақсадида, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ахборот найрангини ишлатиш (ахборотни бузиб кўрсатиш, ҳужжатларни бериш муддатини атайлаб чузиш ва б.); тўғридан тўғри шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда бюрократик «рэкет» яъни бошқа савдо-сотик тизимига, сиёсий партияларга ва жамғармаларга маблағ ўтказишда улардан таъмагирлик қилиш; маълум гуруҳ манфаати учун норматив ҳужжатларни қабул қилишда жонбозлик кўрсатиш; айрим номзодларнинг сайлов жамғармасига давлат ресурслари ҳисобидан маблағ ажратиш.

Шунингдек, қуйидаги усулларни қўшиш мумкин: ўз даромадининг ҳақиқий манбасини яшириш мақсадида бўлган шахслар томонидан хайрия жамғармаларини очиш ва ўз пулларини яширин ҳолда ўзининг фондига ҳада қилиш; республика ҳудудида легаллашган хўжалик юритувчи субъект ташкил этиб уларга савдо-сотик учун назорат қилинмайдиган маблағ киритиш; хусусийлаштиришда қатнашиш (ноқонуний йўллар билан йирик объектларни сотиб олиш, йирик, бозори чакқон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларининг катта улушини сотиб олиш); амалга оширилаётган ноқонуний операцияларни яшириш учун юқори самарали корхона кўринишидаги ишбилармонлик қобиғини яратиш; сохта ҳисоб рақамлари орқали қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; банк механизмлари, мураккаб молиявий муносабат ва пул маблағлари ҳаракатидан фойдаланиш; инвестиция фаолияти; оффшор ва бошқа фирмалардан фойдаланган ҳолда нақдлаштириш.

«Легаллаштириш» жиноятини содир этган жиноятчининг шахси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Улар давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятда қатнашувчи шахслар бўлиб, депутатлар, вазирлик ва бошқа давлат идоралари, турли мулк шаклидаги корхона директорлари, иқтисодчилари, бухгалтерлари, ишбилармонлик тизими раҳбарлари, божхона, банк, солиқ хизмати хизматчилари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунга келиб, жиноий даромадларни «легаллаштириш» бўйича операциялар халқаро характер касб этмоқда. Ашаддий жиноятчилар халқаро миқёсда нафақат янада кенгроқ бозорларни эгаллашга интилмоқдалар балки уларни фош бўлмаслигига давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик йўқлиги ва қонунчиликдаги айрим муаммолар уларга ҳар томонлама имкониятлар яратади. Шунинг учун миллий чегаралар кўп ҳолларда легаллаштириш жинояти учун тўсиқ бўлмасдан, балки кўмаклашувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айрим жиноий ва криминал гуруҳлар, халқаро қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланган ҳолда, жаҳон бозорида ўзларининг ноқонуний фаолиятларини амалга оширмоқдалар ҳамда халқаро

легаллаштиришга жалб этилмоқдалар. Криминал даромадларни легаллаштириш учун улар занжирнинг бўш халқаларини танламоқдалар, яъни шундай давлатлар танланмоқдаки, у ерда банк сирларини сақлашга каттик риоя қилинади, бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан эса банк фаолияти устидан назорат самарасиз ёки умуман мавжуд эмас.

Қоида тариқасида, кўрсатиб ўтилган давлатларнинг ҳукуматлари халқаро ҳамкорлик ва инвестициядан манфаатдор бўлиб, уларнинг молиявий тизимига қўйилаётган сармояларнинг келиб чиқиш манбасига эътибор қаратмайдилар. Шундай йўллар билан легаллашган пуллар халқаро молия бозорига кириб боради. Кўп ҳолларда фаол ишчанлик фаолияти ортидан топилган соф даромадлар ноқонуний легаллашган маблағ билан қоришиб кетади ва соф даромад сифатида баён этилади. Аксарият бундай ҳолларда нақд пулга савдо ва хизмат кўрсатувчи (ресторанлар, бар, тунги клублар, магазин, супер маркетлар, бозорлар в.б.) корхоналарни жиноятчилар бошқарадилар. Бундай корхоналардан олинган даромадлар ноқонуний йўллар билан топилган пуллар билан аралашиб кетади ва ҳеч қандай шубҳа ўйғотмаган ҳолда банкдаги ҳисоб рақамларига келиб тушади.

Кундалик банк операцияларидан ташқари «яширин» банк операциялари ҳам кенг ёйила бошлади. Банкларда криминал операцияларининг қуйидаги турлари мавжуд: рухсатномасиз банк фаолияти; ноқонуний валюта операциялари; ноқонуний йўллар билан топилган пулларни легаллаштиришда қатнашиш; криминал фаолиятни кредитлаш. Банк тизими, унинг нормал фаолият олиб боришига, рўйхатдан ўтмасдан ёки махсус рухсатномасиз ёхуд рухсатнома олиш шартларини бузиб банк фаолиятини амалга ошириш сезиларли зиён етказади. Ноқонуний даромадларни легаллаштириш имконияти жиноий капитални жиноятчиликни янада ривожлаштириш учун сарфлашга шарт-шароит яратади.

Шундай қилиб, банк тизими янги криминал ходиса – жиноий фаолиятни молиялаштиришни амалга ошириш учун фойдаланилади. Банклардаги шахсий ҳисоб рақамларига ўтказилган легаллашган пуллар

жиноий уюшмалар таъминотига, мансабдор шахсларни сотиб олишга ва буюрма қотилликларни амалга оширишга йўналтирилади.

Экспертлар фикрига кўра жиноий бизнесдан олинган маблағлар куйидаги йўллар билан легаллаштирилади: банкларнинг низом жамғармаларига ҳамда қимматбаҳо қоғоз ва аҳолининг пул омонотлари билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга киритиш; кўшма корхоналарнинг низом жамғармаларига киритиш; кўчмас мулкка киритилади; қаттиқ валютага конвертация қилиниб чет эл банклари ҳисоб рақамига ўтказилади.

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири, бу хуфёна иқтисодиёт ҳисобланади. Жиноий йўл билан олинган даромадларнинг асосий қисми назоратни четлаб, савдо-сотик муомаласига киритиш йўли билан легаллаштирилади.

Хуфёна иқтисодиёт, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш валюта қимматликлари билан боғлиқ жиноятлар ўзаро алоқадордир. Ушбу қилмишлар бир-бири билан боғлиқликда содир этилади.

Маълумки, хуфёна(яширин) иқтисодиёт деганда, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил этувчи алоҳида гуруҳнинг шахсий ва бошқа манфаатларини кўзлаб, давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яшириб, қонунга хилоф равишда топилган бойликлардан фойдаланиши тушунилади.

Бутун дунёда бўлгани сингари республикамизда ҳам хуфёна, жиноий йўл билан олинган даромадларининг иқтисодиётга киритилганлиги ва киритилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз айнан, ҳозир бу ижтимоий салбий иллатни бартараф этиш чораларини кўрмасак, унинг оқибатлари жуда хунук бўлиши мумкин. Чунки, хуфёна иқтисодиёт ҳиссасининг ортиб бориши жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайишига олиб келади.

Ноқонуний йўллар билан тўпланган пул ва мол-мулкни легаллаштириш куйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

Биринчидан, бу қилмиш жиноятчиларнинг жазодан қутилиб қолиш мумкинлиги ҳиссини вужудга келтиради. Бу эса жиноятни, айниқса, уюшган жиноятчиликни ёқимли машғулотга айлантиради, оқибат натижасижа эса жамиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асосини емиради, ҳуқуқий нормаларга таҳдид солади;

Иккинчидан, жинойий ташкилотлар ўзларининг келажакдаги фаолиятларининг молиялаштириш имкониятига эга бўладилар;

Учинчидан, жинойий ташкилотлар томонидан айрим молиявий муассалардан назоратсиз фойдаланиш, охир оқибатда молиявий тизимга катта зарар етказади. Бундай зарар, айниқса, иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар учун хавфлидир,

Тўртинчидан, иқтисодий ва молиявий жинойий ташкилотларда жамланиши оқибатида ушбу давлатларнинг иқтисодиёти, ҳокимиятнинг демократик тизими ва бошқаруви издан чиқарилиши мумкин.

II-БОБ. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА УЛАРНИНГ АЙРИМ ДАВЛАТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПИШИ

2.1. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро-ҳуқуқий актлар

Жиноий йўл билан юқори даромад олишга интилиш, уларни иқтисодиётга қонуний йўл билан сарфлаш ёхуд уюшган жиноий фаолиятни кенгайтириш учун ўз мақсадларига эришиш йўлида асосий манба сифатида улардан фойдаланиш бундай маблағ эгалари олдида уни халқаро аренада тасарруф қилиш имкониятларини очиш шартларини қўйди. Жиноий даромадни легаллаштиришга қарши кураш жараёнидаги халқаро ҳамкорликнинг янада самарали бўлиши учун у максимал даражада келишув ёки битимга асосланган бўлиши лозим. Бу эса, ўз ўрнида турли давлатлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа махсус ваколатли органлари ўртасида жиноят ишлари бўйича ўзаро турли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларини тартибга солувчи икки ва кўп томонлама шартномалар ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларни амлага ошириш заруратини вужудга келтиради. Шу ўринда халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро нисбати ҳақида сўз кетганда олимлар томонидан турлича фикр билдирилишига гувоҳ бўламиз. Таъкидлаш жоизки, декларация ва резолюция шаклидаги халқаро ҳужжатлар тавсия характерига эга бўлган халқаро ҳужжатлар гуруҳига мансуб бўлиб, бунда мажбурий юридик куч тусини берувчи имзолаш, ратификациялаш ёки бошқа жараёнлар талаб этилмайди. Бундай ҳужжатларнинг қабул қилиниши ёки бошқача айтганда халқаро-ҳуқуқий “доирада” бундай турдаги ҳужжатларнинг яратилиши “халқаро стандартларга мос келади” деган тушунчани ҳосил қилиш ва миллий ҳуқуқни янада ривожлантириш учун хизмат қилади. БМТ Уставида белгиланганидек, унинг ҳар бир аъзоси ўз мажбуриятларини бажаришга, уставда белгиланган тамойил ва мақсадларни амалга оширилишига эришишга

виждонан ҳаракат қилишлари лозим”. Бу эса ўз ўрнида аъзо-давлатлар зиммасига қабул қилинаётган резолюциялар билан ҳисоблашмасдан амалга ошириш мумкин эмаслигини билдиради. Шу сабабли юридик мажбурлов кучига эга бўлмасдан резолюциялар аъзо-давлатларни маънавий-сиёсий жихатдан уларда белгиланган нормаларга риоя қилишга даъват қилади. Шу билан бирга резолюцияларнинг бажарилишига Устав бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши сифатида қаралади.²³

Бизнинг фикримизча, бугунги кунга келиб халқаро ҳуқуқ нормаларининг бевосита миллий қонунчиликка таъсир доираси кучайиб бориши шароитида халқаро ҳуқуқ нормаларининг барчаси умуммажбурий характер касб этмоқда. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, резолюция ёки декларациялар йўли билан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда илгари сурилган ғоя ва нормалар жаҳон ҳамжамияти томонидан умумий норма сифатида эътироф этилар экан, ўз ўрнида улар халқаро стандарт тусини олади. Халқаро стандартларга риоя этмаслик эса, халқаро мажбуриятларнинг бажарилмаслигини келтириб чиқаради.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш жараёнида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган универсал халқаро ҳужжатларни киритсак, иккинчи гуруҳга эса, минтақавий халқаро ҳужжатларни киритиш мумкин. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган универсал халқаро ҳужжатлар бугунги кунда жуда кўп бўлиб, қуйида уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

1988 йилнинг 20 декабрида БМТнинг савдогарларни ноқонуний наркотиклар даромадлари ва уларни эркин жойлаштиришларига чек қўювчи “Наркотик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига

²³ Лукашук И.И. Указ. соч. – С. 170.

қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси қабул қилинди. Мазкур Конвенцияда (5-модданинг 1-банди) мусодара қилишга тегишли бўлган рўйхат белгиланган бўлиб, унга мувофиқ қуйидагилар: “ҳуқуқбузарлик натижасида қўлга киритилган даромадлар” яъни, “қиймати шундай даромадларга мос келадиган мулк”, шунингдек, “бирор-бир ҳуқуқбузарлик содир этишда фойдаланиш учун мўлжалланган ёхуд фойдаланилган наркотик воситалар ва психотроп моддалар, материаллар ва жиҳозлар ёки бошқа воситалар” мусодара қилиниши лозим. Айтилган Конвенцияда мусодара қилинадиган мулкни излашда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, мусодара қилишни амалга ошириш ва таъминлашнинг процессуал тартиби белгилаб берилган.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳаси мутахассисларидан бири бўлган Паола Берноско бу халқаро ҳуқуқий акт ҳақида қуйидаги фикрлар билдирганлигини кўришимиз мумкин: “Вена Конвенцияси қабул қилингандан сўнг ушбу соҳада сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Конвенцияда халқаро ҳамжамиятга қонунга ҳилоф йўл билан топилган пулларни ”ювуш” устидан самарали назорат олиб борилишига имконият яратди яъни, моҳиятига кўра, жиноятчиликка қарши курашнинг янги стратегияси ишлаб чиқилди”²⁴.

1990 йилнинг август-сентябрида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича **“XXI асрда жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил жиноий судлов соҳасида халқаро ҳамкорлик”** мавзусида Гаванада БМТ нинг VIII Конгресси бўлиб ўтди. Одил жиноий судловни такомиллаштириш истиқболлари, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорлик масалалари, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни қонуний таъминлаш, жиноий йўл билан топилган ёки қўлга киритилган мулк,

²⁴ Паоло Бернаскони. Оффшорные общества и принцип территориальности как препятствия при осуществлении контроля за преступлениями. – Доклад на международной конференции по проблемам предупреждения и борьбы с отмыванием денег и использования доходов от преступной деятельности. Глобальный подход. Курмайер. Италия. 18-20 июня 1994. -Сб. переводов матер. конференции. – М., 1996. С. 714.

қимматбаҳо бойликлар, пул маблағларини ҳибсга олиш ёки мусодара қилиш масалалари ўтказилган муҳокамаларнинг марказида бўлди. Ушбу Конгресс томонидан ишлаб чиқилган ва 1990 йилнинг 14 декабрдаги БМТ Бош ассамблеясининг 45/107 резолюцияси билан қабул қилинган “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил жиноий судловни ривожлантириш доираси соҳасида халқаро ҳамкорлик Тавсиялари”да кўрсатилишича, аъзо-давлатларга БМТ алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлиб, бунда “трансционал жиноятчилик ва халқаро ноқонуний битимлар тузилишининг олдини олишда айниқса, ҳамкорликнинг тегишли тизимини яратиш йўли билан тегишли қонун ва қоидалар бажарилишини таъминлашга асосий эътибор қаратиш лозим” (3-банд). Шу мақсадда, “трансационал жиноятчиликнинг минимал оқибатларига эришиш учун жиноятчиларни топшириш, одил жиноий судлов масалаларида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш... каби амалий чораларни амалга ошириш зарур” (10-банд). Шу билан бирга мазкур тавсияларда бир қатор алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва келажакда ишлаб чиқилиши лозим бўлган муаммолар сифатида “мулк ва пул маблағларини мусодара қилиш учун ҳуқуқий асослар” (8d-банд), “банк сири, жиноий ҳаракатлар натижасида қўлга киритилган ва банк ҳисобварақларида бўлган маблағларни мусодара қилиш ва уларга таъқиқ қўйиш масалаларида халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш стандартлари” (18-банд) кабилар санаб ўтилган. Мазкур нормаларни ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад – “жиноий фаолият билан боғлиқ бўлган маблағлар ва пулларни легаллаштиришга тўсқинлик қилишга қаратилган нисбатан самарали халқаро нормалар ишлаб чиқиш” (18-банд) дан иборат.

Илмий адабиётларда ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги расмий талабни ижро этишнинг реал аниқ муддати сифатида расмий талаб, у жўнатилган давлат Марказий органига келиб тушган пайдан бошлаб, бир ой қилиб белгилаш таклиф этилмоқда.²⁵ Бунда, башарти, топшириқ ўз вақтида бажарилмаса, расмий талаб жўнатилган давлат жиноят иши бўйича топшириқларни ўз

²⁵ Российский следователь//2006 г №6 60-62 Стр.

вақтида ижро этилмаганлик сабаблари тўғрисида расмий равишда ёзма хабар бериши керак. Бу ҳолат расмий талаб жўнатаётган давлатнинг мансабдор шахсига мазкур маълумотга ҳавола этган ҳолда жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддатини ошириш учун хизмат қилади. Бироқ бирор бир конунчиликда бу ҳақдаги тегишли норма белгиланмаганлиги сабабли амалиётда бундай хабар бериш ҳоллари деярли учрамайди.

Давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик биринчи навбатда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликда қуйидаги икки асосий ҳуқуқий шаклдан фойдаланилади:

1) Шартнома-ҳуқуқий ёки конвенционал (мазкур соҳага оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномаларнинг тузилиши ва амалга оширилиши);

2) Институционал (Умумий халқаро ташкилотлар, шунингдек, минтақавий характерга эга бўлган – БМТ, Интерпол, Европа Иттифоқи, Болтиқ денгизи давлатлари Кенгаши, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотлари доирасида ҳамкорлик).²⁶

Ҳозирги вақтда халқаро миқёсда институтлар тизими шакллантирилган бўлиб, уларнинг ваколатлари маълум даражада жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти халқаро миқёсда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотдир. БМТ Уставининг 1-моддасида унинг мақсади халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб — қувватлаш ва шу муносабат билан тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш, агрессия ёки дунёнинг бошқа бузғунчиликларини бартараф этиш, адолат ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига

²⁶ Милякина Е.В: Правовые проблемы взаимодействия подразделений ОВД с компетентными органами иностранных государств по вопросам борьбы с налоговыми и иными экономическими преступлениями//Правоохранительные органы. 2006. №1; С.51

мувофиқ, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, БМТ халқаро халқаро жиноятчиларга қарши курашиш тамойилларини тартибга солувчи асосий ҳужжатларни ҳам қабул қилади.

2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш учун молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ)

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги энг муҳим махсус орган бўлган ФАТФ – жиноий даромадларни ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида жаҳон стандартларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ҳукуматлараро ташкилот, шунингдек, миллий тизимларнинг ушбу стандартларга мувофиқлигини баҳолашни амалга оширади.

ФАТФнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги асосий ҳуқуқий воситаси ФАТФнинг 40 тавсияси ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг муқаддимасида айтилишича, ФАТФ ҳукуматлараро орган бўлиб, унинг мақсади – жиноий даромадни легаллаштиришга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш ва илгари суриш - жиноий йўл билан топилган маблағлар ноқонуний келиб чиқишини яшириш учун амалга оширилувчи молиявий операцияларни фош этиш.

ФАТФ ҳозирда 34 мамлакат, хусусан, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка ва Осиёдаги асосий молия марказларини ва иккита халқаро ташкилотни ўз ичига олади.

ФАТФ томонидан 2012 йилнинг июнь ойида қайта ишлаб чиқилган тавсиялар асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш сиёсати ва уни мувофиқлаштириш.
2. Жиноий даромадларни мусодара қилиш.
3. Терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш.

4. Профилактик чоралар.
5. Юридик шахсларнинг ошкоралиги.
6. Ваколатли органларнинг ваколатлари, мажбуриятлари ва бошқа институтсионал чоралар.

7. Халқаро ҳамкорлик.

ФАТФнинг таркибий тузилишини таҳлил қилар эканмиз, ФАТФнинг қарорларни қабул қилишнинг асосий воситаси йилига уч маротаба йиғиладиган Пленар мажлис эканлигига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек баҳолаш ва амалга ошириш бўйича; типология бўйича; терроризмни молиялаштиришга ва легаллаштиришга қарши курашиш; халқаро ҳамкорлик шарҳи бўйича ишчи гуруҳлари ҳам фаолият юритади.

ФАТФнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилмайдиган ва халқаро миқёсда кам ҳамкорлик қиладиган давлатларни ўз ичига олган “Қора рўйхат”и бўлиб, бугунги кунда унга Корея Халқ Республикаси ва Эрон киритилган.

3. Интерпол

Халқаро миқёсда жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланадиган яна бир халқаро орган - бу халқаро жиноий полиция Интерпол бўлиб, унинг фаолиятини тартибга солувчи Низомнинг 2 моддаси унинг яратилиш мақсадларини белгилайди:

а) мамлакатларнинг амалдаги қонунчилиги доирасида ва инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси руҳида жиноят полициясининг барча органларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш;

б) жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашни муваффақиятли амалга оширадиган муассасаларни яратиш ва ривожлантириш.

4. Молиявий разведка бирликлари.

Эгмонт гуруҳи-пул ювиш, терроризмни молиялаштириш ва бошқа молиявий жиноятларга қарши курашда ҳукуматларни қўллаб-қувватлашни

кенгайтириш учун бутун дунё бўйлаб фаолият юритувчи молиявий разведка бирлиги ҳисобланади.

Ривожланиш, ҳамкорлик ва тажриба алмашиш миссиясини бажариш учун Эгмонт гуруҳи томонидан бешта ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, улар тўғридан тўғри Эгмонт гуруҳи раисига фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботлар бериб боришади. Айти пайтда, бутун дунё бўйлаб "Эгмонт" гуруҳига кирувчи 127 молиявий разведка бўлимлари ташкил этилган.

Ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги халқаро қонунчиликни инвентаризация ўтказиш ва баҳолаб бориш мобайнида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

а) Бажарилиши мажбур бўлган мулкни қайтариш тўғрисидаги расмий талабни ишлаб чиқиш;

б) Солиқ, божхона соҳасидаги жиноятларни ва валюта соҳасидаги қоидаларни бузишга оид бўлган ҳуқуқбузарликларни биргаликда жиноят сифатида эътироф этиш ва унга қарши курашда ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш;

в) “жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” жиноятининг ягона тушунчасини ишлаб чиқиш ва бу бўйича унга қарши курашнинг механизмларини яратиш;

г) Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг таркибий қисмини ташкил қилувчи жиноят қонунчилигида “солиқ фريبгарлиги” тушунчасини ажратиб кўрсатиш ва тегишли давлатларнинг бу борадаги жиноят қонунчиликларини қайта кўриб чиқиш.

Юқорида биз жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш давомида қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик масалалари ўз ифодасини топган халқаро ҳужжатларни шартли равишда икки гуруҳга бўлган ҳолда таҳлил қилинди;

*Иккинчидан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш мобайнида 1990 йилнинг 8 ноябрида Страсбургда қабул қилинган “**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни четга чиқиб кетишини аниқлаш, уларни муомаладан чиқариш, ҳибсга олиш ва мусодара қилиш тўғрисида**”ги Конвенциясини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш зарурлиги ҳақидаги таклиф асослаб берилди.*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пул воситаларини легаллаштиришга қарши кураш бўйича глобал Дастури маълумотларига кўра, пул воситаларини легаллаштириш бўйича дунёда ҳар йили 500 млн.дан қарийб 1 миллиард долларгача пул воситаларини легаллаштиришга қаратилган фаолият аниқланади.²⁷

Конвенцияга мувофиқ ушбу Конвенцияга аъзо бўлган тарафлар бир-бирларига ҳар қандай шаклдаги миллий қонунчилик рухсат берадиган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин. Мазкур Конвенцияда тарафларнинг банк сирига ҳавола қилган ҳолда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этишлари мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Активларни қайтариш бўйича чоралар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган процессуал ҳаракатлардан бири бўлиб ҳисобланади. ФАТФ ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган тавсияларда ушбу масалага муҳим эътибор қаратилган. Мазкур масалани самарали ҳал қилиш учун бир қатор таклифлар илгари сурилган. Жумладан, 40-тавсиянинг 38–бандига мувофиқ пулларни легаллаштиришдан ёки бундай жиноятларни содир қилишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган пул воситаларини аниқлаш, музлатиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги хорижий давлатлардан келиб тушаётган расмий

²⁷ Қаранг: Жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ишларнинг судлар томонидан кўрилиш хусусиятларига бағишланган 2010 йилнинг 17-19 август кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган судьялар учун минтақавий семинар материаллари. – Тошкент, 2010.

талабларга жавоб бериш учун оператив чоралар қабул қилиш ваколатини бериш лозим.

ФАТФнинг 2003 йил октябр ойида бўлиб ўтган ялпи мажлисида Россия, ФАТФ сингари, пулни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун евросиё минтакавий гуруҳини (ЕАГ) ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Иштирокчи давлатларнинг ЕАГни ташкил этиш тўғрисидаги қарори 2004 йил октябр ойида Москвада Таъсис конференциясида қабул қилинди. Россиядан ташқари ушбу гуруҳга Беларус, Козогъистон, Киргъизистон, Хитой ва Тожикистон қиради. Хозирда 20 та хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар ЭАГ кузатувчилари ҳисобланади.

Евросиё гуруҳининг асосий мақсади пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини шакллантиришга кўмаклашиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш ва халқаро тизимлар билан ахборот алмашиш орқали ушбу тизимларнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Бу ўринда давлатларга қуйидагиларни амалга ошириш имконияти тавсия этилади:

а) ўз ҳудудида мусодара қилинган мулкнинг барчаси ёки маълум қисми ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа тегишли эҳтиёжлар учун фойдаланишга мўлжалланган мусодара қилинган активлардан фонд яратиш;

б) мусодара қилинган мулкнинг бир қисмини бошқа давлатга бериш учун тегишли чоралар кўриш.

Биз юқорида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши халқаро ҳамкорликнинг жиноят-процессуал тартиби акс этган халқаро конвенционал ва умумэтироф этилган ҳужжатлар ҳақида танишиб чиқдик.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда 1990 йил 8 ноябрда қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни четга чиқиб кетишини аниқлаш, уларни муомаладан чиқариш,

ҳибсга олиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенция”си алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Мазкур Конвенцияга қўшилган мамалакатлар аллақачон ўзларининг миллий қонунчиликларига тегишли ўзгартиришларини киритдилар. Масалан, Буюк Британия юқоридаги Конвенцияга қўшилганидан сўнг у ерда 1994 йилдан буён шубҳали пул ўтказмалари ва бошқа операциялар тўғрисида тегишли тартибда хабар бермаган барча банк ходимлари жиноий жавобгарликка жалб қилиниб, уларга нисбатан 2 йилдан 14 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши ҳақидаги қонун амал қилиб келмоқда.

Шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш мобайнида, 1990 йилнинг 8 ноябрида Страсбургда қабул қилинган ***“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг четга чиқиб кетишини аниқлаш, уларни муомаладан чиқариш, ҳибсга олиш ва мусодара қилиш тўғрисида”ги Конвенция***сини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш зарурлиги ҳақидаги таклиф асослаб берилди.

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш чора-тадбирлари қуйидагилар:

республика ва ҳудудларда молия-банк тизимидаги ҳуқуқбузарликларга қарши мувофиқлаштирилган кураш олиб бориш;

ҳуқуқбузарлик ҳолатини ўз вақтида қайд ва фош этиш мақсадида хизмат кўрсатиш ҳудудидаги банклар фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш;

шунинг билан бир вақтда, ушбу жиноятни олдини олишда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши лозим:

хокимият ва бошқарув органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларнинг очилиши ва терговига;

давлат бюджетининг тақсимооти бўйича мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатига;

уларнинг коррупциялашган алоқаларига;

давлат бошқарув органлари ва банкларнинг ходимлари ва раҳбарлари томонидан содир этилган порахурлик ҳолатларига;

легаллаштириш жинояти билан шугулланаётган банклар ва уюшган жиноий тузилмалар буйича махсус маълумотлар банкини яратиш;

чет эл вакили ва банклари иштирокидаги банк операцияларини қаттиқ назоратга олиш;

Молия-кредит муносабатларни криминал таъсирдан химоя қилиш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

а) асосий куч ва воситаларни молия-кредит муносабатлари соҳасини оператив қамровга олишга йўналтириш;

б) иқтисодиётдаги криминал вазиятнинг ҳолати, интилиши ва прогнози билан боғлиқ ахборотларни ўз вақтида йиғиш, ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштиришни таъминлаш;

в) ноқонуний битимлар, жиноий мақсадларда «бир кунлик» фирмаларни ташкил этиш ҳақидаги маълумотларни амалга ошириш ва таҳлилларни олиш услуб ҳамда шакллари тақомиллаштириш;

г) давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилувчи давлат органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликнинг савиясини ва самарадорлигини ошириш.

2.2. Айрим хорижий давлатларнинг жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни ўз қонунчилигига имплементация қилиш амалиётининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар бир соҳада ислоҳот амалга ошириш олдидан албатта мазкур янгиликнинг жорий этиш истиқболлари ва ундан кутилаётган натижа ҳамда юзага келиши мумкин бўлган хавф-ҳатар таҳлил этилади. Хусусан, халқаро миқёсдаги ҳуқуқий стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёни ҳам ўзига хос таҳлиллар асосида амалга ошади. Бундай жараёнда энг тўғри йўл албатта бу соҳага оид хориж амалиёти ҳисобланади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид халқаро нормалар XX аср охирларида кўплаб мамлакатлар томонидан улар қонунчилигига имплементация қилинди. Бунда Хитой, Япония, Сингапур каби Осиё мамлакатлари ҳамда Буюк Британия, Германия каби Европа давлатларининг тажрибаси кўплаб хорижий экспертлар томонидан тан олинди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш бўйича Европа Иттифоқининг ваколатли органлари бир қанча расмий ҳужжатлар қабул қилиш ва уларни ижросини таъминлашда дунё бўйича биринчилар қаторида бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунга қадар ушбу жиноятни содир этувчи шахсларни аниқлаш, уларни топиш ва жазога тортишда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни ташкил этишга бағишланган 4 та Директива Европарламент ва Европа Иттифоқи Консули томонидан тасдиқланганлигини кўришимиз мумкин.

1991 йилнинг 10 июнида Европарламент ва Европа Иттифоқи Консули томонидан “Жиноий даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий тизимлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида” Директива тасдиқланган бўлиб, унга кўра барча аъзо давлатлар ўз миллий қонунчилигига ушбу

Дериктивани имплементация қилиши жиноий даромадларни легаллаштиришдан уларнинг маҳаллий молиявий тизимларини ҳимоя қилади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар юқоридаги Дериктивага кўра, куйидагиларни ўзларининг миллий қонунчилик тизимларига имплементация қилиши лозимлиги белгиланган эди:

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг легаллаштириш таъқиқланиши;
- Мижозлар идентификацияси тўлиқ текширилиши ва ёзувлар сақланиши;
- шубҳали олди-сотдилар текширилиши ва назорат қилиниши;
- молиявий амалиётлар билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳокимиятнинг тегишли ваколатли органларига шубҳалар тўғрисида хабар бериши;
- тергов давом этаётган пайтда шубҳалар, яъни шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши;
- ҳар кимнинг шубҳа тўғрисидаги хабари сирни ошкор бўлишидан ҳимояланиши;
- муассасалар ички назорат ва ходимларга таълим беришни талаб даражасида сақлаб туришлари ва бажаришлари лозим ²⁸.

Буюк Британия ва Франция қонунчилигида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари. Шимолий Ирландия ва Буюк Британия Қўшма Қироллиги (бундан буён матнда Буюк Британия) жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келган. Лондон бутун дунёдаги асосий молиявий марказлардан бири бўлгани учун ҳам “пул ювиш” учун жуда қулай жой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Буюк Британия Халқаро молия ҳаракати гуруҳини ташкил этишда асосий ўринни эгаллаган ва ўз

²⁸ Doug Hopton “Money laundering a concise guide for all business” printed and bound in Great Britain by MPG Books Ltd. Bodmin, Cornwall, 2006 year.

қонунчилигига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш атамасини 1986-йилдаги “Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдо қилиш жинояти тўғрисида”ги Қонунга киритган давлат ҳисобланади. Бу Қонун орқали наркотик воситалар муомуласидан олинган жиноий даромадларни легаллаштиришни чеклаган пайтида биринчи марта молиявий ташкилотнинг гиёҳвандлик моддалари мумоласи ҳақидаги шубҳалар ва билимлар ҳақида ҳисоботга эҳтиёж сезилди. Дастлаб бу вазифа мулоҳазали ва оддий туйилган эди. Шундай бўлишига қарамасдан бу вазифа кўпчиликнинг фикрига кўра осон эмас эди. Маълум бир молиявий ташкилот мижозлар ёки келишув ҳақида ҳақиқий шубҳага борган тақдирда ҳам улардаги маълумотлар даромадлар айнан наркотик воситалар савдосидан ёки бошқа жиноятлардан келган деган хулосага келишга етарли маълумотга эга бўлмасликлари мумкин эди.

1990 йилларнинг бошларида Буюк Британияда “Жиноий даромадларни легаллаштириш бўйича бошқарувчи гуруҳ” тузулган бўлиб (аъзолар рўйхати иловада берилди), ушбу гуруҳнинг асосий мақсади жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича амалиётни кенг тарғиб қилиш ва Буюк Британия жиноий даромадларни легаллаштиришни тартибга солиш қоидаларини талқин қилишда амалий ёрдам беришдир. 2018 йил 1 июлидан бошлаб ушбу тузулманинг Раислигига 2 йиллик муддатга Луисе Станвай тайинланган.

Буюк Британияда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш учун бир қанча қонун ва тартиботлар қабул қилинганки, ушбу давлатда таҳлил қилинаётган жиноятга қарши курашни таъминловчи қонунчилик нормаларига тўхталмасдан туруб, мавзунини ёрқин очиб бериш мумкин эмас, бизнингча.

2000 йилда қабул қилинган “Террористик фаолият ҳақида”ги Қонунга кўра, жиноий даромадларни легаллаштириш бу – агарда шахс тўлалигича ёки бир қисми террористларнинг назорати ёки тасарруфида бўлган мулкни

муомалага қуйидагилрдан бири шаклида киритса, жиноятни содир этган деб топилади:

1. яширинча;
2. юрисдиксиядан ташқарида;
3. бошқа номзодларга (ҳамкорларга) ўтказиш;
4. бошқа ҳар қандай йўл билан.²⁹

Шунингдек, норма давом этган ҳолда таъкидланадики, шахсни айбловдан ҳимоя қилиш учун шахс мулкни террористик фаолиятга алоқадор эканлигини билмаганлигини ёки мулкни бундай фаолиятга алоқадор деб топишга алоқадор шубҳа унда пайдо бўлмаганлигини исботлаш лозим бўладики³⁰, бу ҳам жиноятнинг умумий тендинсиясига ва шахснинг айблилик масаласини ҳал этишда адолат принципларига амал қилинишини таъминлашини кўришимиз мумкин.

2002 йилнинг 24 июлига келиб Буюк Британияда “Жиноятлардан олинган даромадларга қарши кураш тўғрисидаги” қонуни қабул қилинадики, ушбу қонун жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш бўйича жаҳоннинг илғор қонунларидан бири бўлиб қолаётганлиги билан эътиборга моликдир. Ушбу қонунга кўра, ваколатли давлат органларидан бири сифатида Активларни қайта тиклаш бўйича Агентлик тузилган бўлиб, ушбу тузулмнинг фаолиятига директор раҳбарлик қиладики, Агентлик директори Давлат Котиби томонидан тайинланади. Директорнинг асосий вазифаси жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятни камайишига ҳисса қўшишдан иборат бўлиб, унинг бу вазифасини амалга ошириши учун унга бир қанча ваколатлар берилганки, буларнинг энг асосийси Агентлик ходимларини ишга олиш ва Агентлик фаолиятини ташкил этишга оид бошқа ваколатларни келтириб ўтиш мумкин.

²⁹ “Terroristik faoliyat haqida”gi 2000-yilda qabul qilingan Qonunning 18-moddasi. Manbaa: https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2000/11/pdfs/ukpga_20000011_en.pdf

³⁰ Қаранг: https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2000/11/pdfs/ukpga_20000011_en.pdf

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини тергов қилаётган терговчи ва Агентлик дериктори “Жиноятлардан олинган даромадларга қарши кураш тўғрисидаги” қонуни доирасида ҳамкорлик қилишлари шарт бўлиб, бунинг натижасида тергов жараёнини енгиллаштириш, баъзи маълумотларни олишда қийинчиликларга камроқ учрашилишига эришилиши мумкин.

Шунингдек, судлар қуйидагиларга амал қилишлари лозим, яъни:

1. Айбдор жиноий ҳаёт тарзига эга деган хулоса келишлари;
2. Агарда жиноий ҳаёт тарзи мавжуд деган хулоса келинган бўлса, бу умумий жиноий ҳаракатлар билан боғланган деган хулоса келишлари;
3. Агарда жиноий ҳаёт тарзи мавжуд эмас деган хулоса келинган бўлса, бу умумий жиноий ҳаракатлар билан боғланмаган деган хулоса келишлари;

Суд суд залида юқоридагиларга оид бўлган барча саволларнинг жавобини топишга мажбури, бу ҳам ҳақиқатни аниқлашни ва адолатни ўрнатишни таъминлайди.

Ушбу жиноятни бошқа жиноятлардан фарқли жиҳати шундаки, айбдорга ўзи содир этган жинояти орқали олган фойдаси миқдорида жабрланувчига зарарни қоплаш талаби суд томонидан қўйилади. Ушбу миқдор қатъий бўлмасдан, агарда айбланувчи ҳақиқий фойдасини кўрсатиб берса ва ҳақиқий фойда ва суд томонидан келтирилган фойда ўртасида фарқ мавжуд бўлса, суд жабрланувчига қайтарилиши лозим бўлган миқдорни ҳақиқатда олинган фойда миқдorigа ёки агарда фойданинг миқдори нолга тенг бўлса, номинал миқдор белгиланиши мумкин.

Шу ўринда статистик маълумотларга тўхталсак, Буюк Британиянинг 17 тадан ортиқ банкларининг маълумот беришича, Лондонда россиялик жиноятчилар томонидан 590 миллион фунт стерлинг ёки 740 миллион АҚШ доллари миқдоридаги пуллар легаллаштирилган³¹. Шунингдек, улар Лондонни Россиядан ташқари яна Сингапур ва бошқа бир қанча

³¹ <https://www.standard.co.uk/business/dutch-lender-ing-investigated-in-money-laundering-case-a3496261.html>

давлатларнинг жиноятчилар учун легаллаштириш учун энг яхши жой деб ҳисоблашган.

Европа Иттифоқининг “Жиноий даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий тизимлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида”ги иккинчи Директива 2002 йилда, учунчи Директива эса 2006 йилда миллий қонунчиликка имплементация қилиндики, бунинг натижасида олдинги бобда таъкидланган нормалар Буюк Британия ҳудудида ҳам амалга киритилганлигини кўришимиз мумкин.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этувчи навбатдаги ҳужжат бу 2003 йилда қабул қилинган ва кейинчалик бир неча ўзгартиришлар киритилган “Жиноий даромадларни легаллаштириш қоидалари” бўлиб, ушбу ҳужжатнинг алоҳида жиҳати шундаки, у барча субъектларни қамраб олмаган яъни қуйидаги субъектларга нисбатан идентификация ўтказиш, у билан боғлиқ бўлган битимни беш йил давомида сақлаш назорат ва рўйхатдан ўтиш каби мажбуриятлардан озод қилинган:

- Шотландиянинг Бош Аудитори;
- Уелснинг Бош Аудитори;
- Англия Банки (раҳбари);
- Бошқарувчи ва Бош Аудитор (Англия учун);
- Шимолий Ирландиянинг Бошқарувчиси ва Бош Аудитори;
- Олий суднинг расмий васийси, Олий суднинг ваколатли вакили сифатида иш юритганда;
- Хазина судланувчиси³².

Қоидаларга кўра, мижоз тадбиркорлик фаолиятини янгидан ташкил этаётган пайтда, бир марталик пул ўтказиш билан боғлиқ операциялардан олдин, жиноий даромадларни легаллаштиришга оид шубҳа пайдо бўлганда (бундай вазиятда амалга оширилаётган операциядаги сумма аҳамиятга эга эмас), текшириш учун олинган маълумотларнинг аниқлигига ҳар қандай

³² Money laundering regulation 2007 year.

Манбаа: http://www.legislation.gov.uk/uksi/2007/2157/pdfs/uksi_20072157_en.pdf

шубҳа пайдо бўлганда мижоз ҳақидаги ҳар қандай маълумотлар аниқланиши ва аниқланган маълумотлар мижоз резидент бўлган давлатдан олинган маълумотлар билан солиштирилиши лозим.

Бизга маълумки жинорий даромадларни легаллаштиришда казинолардан фойдаланиш энг кенг тарқалган усул бўлганлиги учун ҳам тадбиркорлик субъектларининг ушбу турига алоҳида нормалар ўрнатилган. Казиноларга киришдан олдин барча мижозлар рўйхатдан ўтиши, маълумотлар текширилиши лозим. Агарда мижоз 2000 евро ёки ундан кўпроқ миқдордаги пулга ўйин машиналарини фойдаланишга ёки фешкаларни сотиб олиши ёки сотиши, казинога масофадан туруб шунча миқдордаги пул ўтказмаларини амалга оширганда идентификация қилиниши лозимки, бундай аниқ миқдорнинг белгилаб қўйилиши натижасида биринчидан, казиноларни барча мижозларни ўрганиш мажбуриятдан озод қилинса, иккинчидан, белгиланган миқдордагидан кам миқдорда пул билан ўйнаётган мижозларнинг ортиқча вақтини тежашга эришилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, казиноларда Ўйин комиссиялари тузулган бўлиб, ушбу комиссия мижоз қанча миқдорда ўйин фишкаларини сотиб олганлигини, масофадан туруб қанча тўлов қилганлигини ва ўйин машиналари учун қанча тўлов қилганлигини ёзиб боради ва бунинг устидан назоратни амалга оширади³³.

Хизмат кўрсатувчи субъектлар мижозга низбатан ўтказилган текшириш ишлари қониқарли бўлмаса, яъни мижоз талаб этган маълумотларни тақдим этмаса ёки тақдим этилган маълумотлар ҳақиқий бўлмаса, талаб этилган даражада тўлиқ бўлмаса, хизмат кўрсатувчи субъект қуйидагилардн бирни амалга ошириши шарт, яъни: мижознинг банк ҳисобварағи орқали операцияларни амалга оширмаслиги, янги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этмаслиги ёки бир марталик ўтказмаларни амалга оширмаслиги, мижоз билан барча бизнес муносабатларни тугатиш лозим. Хизмат кўрсатувчи

³³ Money laundering regulation 2007 year. Manbaa:
http://www.legislation.gov.uk/uksi/2007/2157/pdfs/uksi_20072157_en.pdf

субект дейилганда кредит ташкилотлари, молия ташкилотлари, аудиторлар, ташқи бухгалтерлар ва солиқ маслаҳатчилари, кўчмас мулк агентлари, нотариуслар, 15 000 (ўн беш минг) евро ёки ундан ортиқ тўловлар билан ишловчи аукционерлар ва тасвирий санъат маҳсулотлар, қимматбаҳо тош ва металллар билан ишлайдиган диллерлар, казинолар кирадики, ушбу субектларнинг доираси аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу субектлар конун талабларига бўйсунушга мажбур ҳисобланади.

Юқорида таъкидланган субектларнинг барчасида қуйидаги фаолиятларни ташкил этилишини назорат қилиш учун махус ваколатли бир шахс ажратилади, назорат турлари қуйидагиларидир: мижоз экспертизаси ўчовлари ва доимий назорат, хабар бериш, далиллар, ҳужжатларни сақлашни ташкил этиш, ички назоратни амалга ошириш, хавфни баҳолаш, мижоз билан бўладиган муносабатларда тартибларга амал қилинишини назорат қилиш ва бошқариш³⁴. Юқорида таъкидланган барча фаолият устидан бир шахснинг назоратини амалга оширишнинг устивор жиҳати шундаки, мансабдор шахснинг соҳани яхши биладиган шахслар орасидан тайинлаш имконияти билан бир вақтнинг ўзида барча масъулиятни бир шахсга юклашга эришилиши мумкин.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш учун юқоридаги каби тартиб-таомиллар ўрнатилишига қарамасдан кўплаб жиноятчилар ноқонуний равишда нақд пулларни олиб ўтишга ҳаракат қилмоқдаки, буни қуйидаги статистик маълумотга тўхталиб ўтилишини лозим деб топдик, 2018 йилнинг апрел ойидан ва 2019 йилнинг март ойигача бўлган муддатда 2.17 миллион евро, 2.34 миллион фунт стерлинг, 788 минг АҚШ доллар миқдоридаги валюта Буюк Британия чегараларидан олиб ўтилишига ҳаракат қилинганда, олиб қўйилган ва мусодара қилинган³⁵. Бу фақатгина аниқланган миқдорлар эканлигини унутмаслик лозим, чунки барча жиноятлар ҳам

³⁴ O'sha joyda 20-modda

³⁵ UK national risk assessment of money laundering and terrorist financing. 2015 oktabr. Manbaa: www.gov.uk/government/publications

аниқланавермайди, айниқса биз таҳлил этаётган яширинлик даражаси юқори бўлганлари.

Шу ўринда жиноий даромаларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш ваколоти берилган Буюк Британиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектларига тўхталсак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар 3 та босқичда амалга оширилиши билан аҳамиятли ҳисобланди. Биринчи босқич маҳаллий бўлиб, уларга 43 та полиция бўлимлари киради. Иккинчиси минтақавий бўлиб, бу босқич қуйидагиларни қамраб олади, яъни: 9 та Англия ва Уелсда минтақавий жиноятлар бўлимлари, Активларни тиклаш агентлигининг минтақавий бўлимлари, Қироллик прокуратура органларининг минтақавий бўлимлари кирса, учунчи босқичга Миллий жиноят агентлиги, Миллий қироллик прокуратураси, Жиддий фирибгарликлар билан ишлаш бўлими каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектлар киришини кўришимиз мумкин. Юқоридаги барча ташкилотларнинг фаолияти Бош Прокурор томонидан тайинландиган Миллий қироллик прокуратурасининг раҳбари томонидан мувофиқлаштириб турилади.

2015 йилнинг феврал ойида Британия банклари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ташкил этиш учун ягона марказ ташкил этишдики, бу орқали тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва давлат органлари ўртасида ҳамкорликни ошириш натижасида жиноятларни содир этилишини олди олинишига эришилиши мумкин.

Навбатдаги таҳлил этилиши лозим бўлга давлат бу Франция Республикаси бўлиб, Базел қўмитаси томонидан тайёрланган 2017 йилги статистик маълумотларга кўра, Франция 2017 йилда 146 та давлат ичидан 4.52 балл билан 128 ўринни эгаллаган ҳамда Халқаро молия ҳаракати гуруҳининг “қора” рўйхатидан ўрин олмаган. Шу ўринда Базел Қўмитаси баҳолаш тизимига тўхталиб ўтсак, унга кўра мамлакатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг сони қанчалик кам бўлса, шунча

кичик балл қўйилади, яъни балл қанча кичик бўлса, мамлакатда вазият шунча яхши эканлигини англатади. Юқоридаги маълумотлардан билишимиз мумкинки, Франция ҳукумати жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши кураш бошқа давлатлардан қолишмайди. Мисол учун Франция собиқ Президенти Франсуа Миттеран Халқаро молия ҳаракати гуруҳини тузиш ташаббуси билан чиққанлиги. Шунингдек, Франция Халқаро молия ҳаракати гуруҳининг барча тавсияларини ўз миллий қонунчилигига имплементация қилишда дунё бўйича етакчи давлатлардан биридир.

Палермо ва Вена конвенисилари ратификация қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатларда талаб қилинган нормалар франсуз миллий қонунчилигида ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

Бизга маълумки, Франциянинг Жиноят кодекси дунёдаги дастлабки жиноят кодексларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг 4-боби жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига атрофлича таъриф бериб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу боб икки қисмга бўлинган, яни биринчи қисмда жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг умумий тавсифи ва содир этган шахсларга жазо тайинлашга оид нормалар ўз аксини топган бўлса, иккинчи қисмда чет эл фуқароларга ва юридик шахсларга нисбатан жавобгарлик асослари белгиланган. 324-1-моддасида жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қуйидагича: “Жиноий даромадларни легаллаштириш – тўғридан-тўғри ёки билвосита унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноятлар натижасида қўга киритилган ҳар қандай мулк ёки даромадни келиб чиқишини яширишга қаратилган ҳар қандай қилмиш;

Жиноий даромадларни легаллаштириш – унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноятлар натижасида қўлга киритилган ҳар қандай мулкни бевосита ёки билвосита инвестиция қилиш, бошқасига алмаштириш, яширишни ҳам қамраб олади;

Юқоридаги қилмишлар учун айбдор шахс 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 375 минг евро миқдоридаги жарима билан жазоланади”³⁶, - таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу нормадан кўришимиз мумкинки, ҳам озодликдан маҳрум қилиш, ҳам жарима жазоси бир вақтнинг ўзида қўлланмоқдаки, бу ҳам жазони тасирчанлиги ва жазо орқали кўзланган мақсадга етишишга амалай ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, юқоридаги норма давом эттирилган ҳолда 324-2-моддасида қуйидгича: “Жиноий даромадларни легаллаштириш доимий фаолият ёки профессионал соҳалар (кредит ташкилотлар ёки шу каби махсус субъектлар) хизматидан фойдаланиш орқали, қуролли гуруҳ билан ҳамкорликда ёки унинг ёрдамида содир этилган бўлса, 750 минг евро жарима ва 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”³⁷, - норма берилганки, ушбу норма орқали биринчи марта жиноят сидир этган шахс ва ўзига ушбу фаолиятни касб қилган шахс билан бир хил жаобгарликка тортилиши хавфини камайтириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилишини кўришимиз мумкин. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасида таъкидланган норманинг юқоридаги нормадан бир қанча фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир, яъни:

Биринчидан, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганлиги билан боғлиқ жиҳатлар очик қолган;

Иккинчидан, санксия қисмида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилган, ваҳолангки Франция Жиноят кодексига ҳам жарима, ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазолари биргаликда қўлланилиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Учинчидан, Франция Жиноят Кодекси чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган (Франция ҳудудида доимий яшамайдиган) шахсларга асосий жазо билан бирга мамлакатга кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан

³⁶ Fransiya Jinoyat kodeksi 324-1-moddasi. Manbaa: http://lexinter.net/ENGLISH/penal_code.htm

³⁷ Fransiya Jinoyat kodeksi 324-2-modda Manbaa: http://lexinter.net/ENGLISH/penal_code.htm

боғлиқ кўшимча жазо тури ҳам белгиланганки, унга қуйида атрофлича тўхталамиз. Миллий қонунчилигимизда бу ҳақида тўхталинмаган.

Франция Жиноят кодексининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унга кўра, жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар фақатгина жисмоний шахслар эмас, балки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Буни қуйидагича нормада: “Ушбу Кодекснинг 324-1 ва 324-2-моддаларида таъкидланган жиноятлар юридик шахслар томонидан содир этилган бўлса, юридик шахсага ҳам жарима жазоси тайинланади”³⁸, - кўришимиз мумкин. Аммо бунда бир қанча чекловлар мавжуд, яъни юридик шахсларга нисбатан қўлланилган жарима миқдори легаллаштирилган суммадан беш баробаргача бўлган миқдорда белгиланса, жарима жиноят содир этилган шахс томонидан тўланади, аммо бунда айбдор 1 000 000 евродан ортиқ миқдорда белгиланган жаримадан озод қилиниши мумкинки, бундай жарима юридик шахснинг ҳисобидан қопланади. Жазо тизимининг бундай мураккаб бўлиши баъзан қийинчиликларга олиб келса-да, ижтимоий хавfli қилмиш содир этишда иштирок этган шахсларнинг барчасини жазога тортишга хизмат қилиши билан аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек, биз таҳлил этаётган ҳужжатда чет эл фуқаролари ёки Франциянинг резиденти ҳисобланмайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилишини ҳам қамраб олганлигини кўришимиз мумкин. Агарда жиноят юқорида таъкидланган шахслар томонидан содир этилса, жарима ва озодликдан маҳрум қилиш билан бир вақтнинг ўзида 10 йилга ёки абадий муддатга мамлакат ҳудудига киришни тақиқланиши мумкинки, бунинг натижасида чет элда топилган жиноий даромадлардан миллий иқтисод ҳимоя қилинишига эришиш мумкин.

³⁸ Fransiya Jinoyat kodeksi 324-9-modda Manbaa: http://lexinter.net/ENGLISH/penal_code.htm.

Шунингдек, Франциянинг пул ва молия кодексининг 574-3-моддасига кўра, жиноий фаолиятдан олинган ҳар қандай даромад музлатилиши лозимки³⁹, буни кредит ва молия ташкилотлар томонидан амалга оширади.

Мулкнинг ўзгаришига олиб келадиган операциялар ҳақида қуйидаги ташкилотлар Молия ва Иқтисодиёт вазирлигининг жиноий даромадларни легаллаштириш бўлимига хабар беришлар лозим.

Ушбу шахслар ва ташкилотларга қуйидагилар киради:

банклар ва кредит муассасалари;

суғурта компаниялари;

инвестиция корхоналари;

кўчмас мулк билан шуғулланувчи ташкилотлар;

казино бошқарувчилари;

аудиторлар ва экспертлар бухгалтерлари;

спорт агентлари;

тадбиркорлик субъектларининг инвестициялар бўйича маслаҳатчилар⁴⁰.

Буюк Британия қонунчилиги ва Европа Иттифоқи ҳужжатларида таъкидланмаган **спорт агентликлари, яъни букмекерлик корторалари** Франция қонунчилига таъкидланганки, бу ҳам унинг қонунчилиги қанчалик кенг қамровли эканлиғни кўрсатади.

Юқорида таъкидланган субъектларга юкланган мажбуриятлар масъулият билан бажарилса, жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти натижасида иқтисодиётга етказилаётган заранинг камайишига эришиш мумкинки, бунинг учун шахсни қонунларга бўйсунтириш билан бирга уларга нисбатан ҳурмат руҳида ҳам тарбиялашга ҳаракат қилишимиз лозим.

Германия ва Финландия қонунчилигида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари. Германияда ҳам жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда илғор давлатлар

³⁹ Monetary and Financial code of France article 574-3-modda Manbaa: https://www.imolin.org/imolin/amlid/data/fra/document/monetary_and_financial_code_-_regulatory_part.html

⁴⁰ Pul va soliq Kodeksi L561-2-moddasi Manbaa: https://www.imolin.org/imolin/amlid/data/fra/document/monetary_and_financial_code_-_regulatory_part.html

сафида турсада, 2016 йилда унга Базел Кўмитаси томонидан 5.33 балл билан 92-ўрин берилдики⁴¹, натижада Ўзбекистондан ўнта давлат пастда эди, аммо 2017-йилга келиб 4.78 балл билан 121 ўринга тушган бўлса⁴², Ўзбекистон эса 6.09 балл билан 71-ўринга кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Германия Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан биридир. Ушбу давлат Европа Иттифоқининг барча Дериктиваларининг унда таъкидланган муддатларда миллий қонунчиликка имплементация қилишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётини жинойий даромадларни легаллаштириш натижасида жалб қилиниши мумкин бўлган капиталдан асосли равишда ҳимоя қилишини кўришимиз мумкин. 2016 йилнинг 26 июнида Европанинг Жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги тўртинчи Дериктивасини Германия миллий қонунчилигига имплементация қилиндики, натижада Жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги қонун бир қанча ўзгартиришлар киритилган. Ушбу қонун жинойий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашни таъминловчи асосий қонун ҳужжати бўлганлиги унга атрофлича тўхталишни лозим деб топдик.

Германия Жиноят кодексининг 261-моддаси жинойий даромадларни легаллаштириш ва даромадларни қонундан яшириш жиноятига қуйидагича: “Ноқонуний хатти-ҳаракатлардан келиб чиққан мулкнинг ҳар қандай шаклини яширган, мулкнинг келиб чиқишини яширган, мулкни топиш, мусодара қилиниш қаршилиқ қилган ҳар қандай шахсга уч ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилади”⁴³, - норма билан таъриф берилганлигини кўришимиз мумкинки, ушбу норма таъкидланган ноқонуний хатти-ҳаракатлар дейилганда унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар киради. Агарда шахснинг ҳаракатлари солиқдан қочиш, солиқни

⁴¹ Basel AML Index 2016 Report

manbaa: https://index.baselgovernance.org/sites/index/documents/Basel_AML_Index_Report_2016.pdf

⁴² Basel AML Index 2017 Report

manbaa: https://index.baselgovernance.org/sites/index/documents/Basel_AML_Index_Report_2017.pdf

⁴³ Criminal code of Germany 261 article

resource: https://ec.europa.eu/anti-trafficking/sites/antitrafficking/files/criminal_code_germany_en_1.pdf

яшириш билан боғлиқ бўлса, шахс асосий жазо билан бир вақтнинг ўзида кўшимча тариқасида тўланмаган солиқ ҳам тўланиши шарт.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тўғрисидаги қонуннинг 2-моддасида қуйидаги субъектлар жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига оид шубҳа пайдо бўлганда Федерал жиноят Полициясининг Молиявий разведка бўлимига хабар бериши белгиланган:

1. кредит ташкилотлари;
2. молиявий хизматлар муассасалари;
3. молиявий корхоналар;
4. суғурта компаниялари;
5. суғурта воситачилари;
6. активларни бошқариш компаниялари;
7. адвокатлар палатаси аъзолари, адвокатлар ва нотариусларнинг адвокатлари, юрист маслаҳатчилари, ўз мижозлари учун қуйидаги операцияларни режалаштиришда ёки амалга оширишда иштирок этганда:
 - а) кўчмас мулкни ёки тижорат корхоналарини сотиб олиш ва сотиш;
 - б) пул, қимматли қоғозлар ёки бошқа активларни бошқариш;
 - в) банк, жамғарма ёки қимматли қоғозлар ҳисобини очиш ёки бошқариш;
 - д) компанияларни ёки ширкатларни ташкил этиш, улар фаолиятини бошқариш ёки бошқариш мақсадида маблағларни ташкил этиш;
 - е) банклар, ширкатлар ва шунга ўхшаш тузилмаларни яратиш, бошқариш ёки бошқариш; ёки уларнинг мижозлари номидан ва ҳисобидан молиявий ёки кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошираётган бўлса;
8. аудиторлар, уставлар, солиқ маслаҳатчилари ва солиқ агентлари;
9. кўчмас мулк бўйича агентлар;
10. казинолар;
11. онлайн қимор ўйнаш операторлари ва брокерлари;

12. товарлар савдоси билан шуғулланадиган жисмоний ёки юридик шахслар⁴⁴.

Юқорида таъкидланган ташкилотлар билан давлат органлари ўртасида ҳамкорликни таъминланиши жиноятнинг умумий сонини камайишига олиб келади, шунинг учун ҳам бундай ҳамкорликни таъминлашга эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, мижозларни идентификация қилиш билан боғлиқ жараёнда аниқланиши лозим бўлган маълумотлар белгиланган бўлиб, уларга қўйидагилар киради, яъни: мижознинг исми, фамилияси ва шарифи, туғилган вақти, фуқаролиги ёки доимий яшайдиган жойи, мулкдор ва мижоз иккита шахс бўлса, мулкдор ҳақидаги маълумотлар. Ушбу аниқланиши лозим бўлган маълумотлар субъектларнинг ички тизимлари, халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базалари орқали текширилиши лозимки, бу талаблар Европа Иттифоқининг “Жиноий даромадларни легаллаштириш мақсадида молия тизимларидан фойдаланишни чеклаш тўғрисида”ги 4-Дериктивасини имплементация қилиш натижасида киритилган⁴⁵. Германияда ҳам казино ва бошқа шу каби таваккалчиликка асосланган ўйинлар тақиқланмаганлиги учун жиноий даромадларни ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда кўплаб содир этилиши туфайли онлайн тарзда уюштириладиган ўйинлардан олдин хизмат кўрсатувчи субъект ўйинчининг шахсини аниқлаши ва аниқланган шахсга ҳисобрақам очиши лозим. Бундай ҳисоблар очишда ҳеч қандай депозит ҳисобрақамлардан ёки қайтарилиши шарт бўлган пуллардан фойдаланилишга йўл қўймаслик мажбурияти онлайн ўйинларни ташкил этувчи субъектларга юкланиши натижасида пулларни қўйиб қайтариб олишга чек қўйилишига эрилиши назарда тутилган. Германия ҳудудида жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятини

⁴⁴ Money Laundering Act 2 article
manba: https://www.bafin.de/SharedDocs/Veroeffentlichungen/EN/Aufsichtsrecht/Gesetz/GwG_en.html;jsessionid=733A2FE3164AFD41C5F8F849B7CE4696.2_cid381?nn=8379954#doc7863564bodyText21

⁴⁵ New German Money Laundering Act Introduces Beneficial Ownership Register (Transparenzregister)
<http://www.jonesday.com/new-german-money-laundering-act-introduces-beneficial-ownership-register-transparenzregister-10-04-2017/>

олдини олиш ва таъқиб этиш ваколати Федерал жинойй полициясининг Молиявий разведка бўлимига тегишли бўлиб, ушбу бўлим биз таҳлил этаётган барча жинойтларни аниқланиши ва тергов қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Навбатдаги таҳлил этилиши лозим бўлган давлат бу Финландия давлати бўлиб, Халқаро молия харакати гуруҳининг ҳисоботларига қараганда жинойй даромадларни легаллаштириш жинойти дунё бўйича энг кам ушбу давлатда содир этилар экан. 2017 йилги ҳисоботга кўра, Финландия 146 та давлат ичида энг охирги ўринни 4.03 балл билан банд этганлигини кўришимиз мумкин⁴⁶. Шунингдек, ушбу ҳисоботда Финландия 2014 йилдан буюн ушбу ўринни банд қилиб келганлиги таъкидланган. Финландия қонунчилига кўра, жинойй даромадларни легаллаштириш ижтимоий қилмиши жинойт сифатида Финландия Жинойт кодексининг 32-моддасида куйидагича: “Жинойй мол-мулк ёки жинойтлардан олинган мулкдан ўзи учун фойда олиш мақсадида бундай молни алмаштириш ёки бундай даромадларнинг ноқонуний келиб чиқишини яшириш ёки бекор қилиш ёки мол-мулкни ёки қонунбузарликдан қочишга ёрдам бериш учун олган, фойдаланган, мулкни шаклини ўзгартирган, бошқа шахсга жўнатган эгалик қилган шахс жинойй даромадларни легаллаштиришни содир этишда айбдор деб топилади, шунингдек, шахс мулкни асл характерини, жойини, келиб чиқишини, манзилини яшириш ҳаракатлари ҳам жинойй даромадларни легаллаштириш жинойти ҳисобланди ва ушбу шахсга нисбатан 2 йиллик озодликдан маҳрум қилиш ёки жаримага тортилади”⁴⁷, - норма билан ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу норманинг санксия қисмида таъкидланган жазо Франция ва Германия жинойт кодексларига қараганда камроқ, чунки Франция қонунчилигига кўра, ҳам жарима ҳам озодликдан маҳрум қилиш, Германияда эса беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

⁴⁶ Basel AML Index 2017 Report

https://index.baselgovernance.org/sites/index/documents/Basel_AML_Index_Report_2017.pdf

⁴⁷ Criminal code of Finland manbaa: <https://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1889/en18890039.pdf>

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашишни таъминлаш учун махсус қонун қабул қилинганки, унда махсус субъектлар қуйидаги вазиятларда мижознинг шахсини аниқлаши ва аниқланган маълумотларни текшириши лозим:

- 1) мижозлар билан мунтазам муносабатларни ўрнатишда;
- 2) казинолар фаолияти билан боғлиқ бўлса;
- 3) шубҳали битим тузилган тақдирда;
- 4) 15 000 ёки ундан кўпни ташкил этган операцияларни бир марта ёки мунтазамлигидан қатъий назар;
- 5) агар илгари олинган тасдиқлаш маълумотларининг ишончлилиги ёки этарлилиги ҳақида шубҳалар мавжуд бўлса⁴⁸.

Ушбу ҳолатларда мижознинг маълумотлари ўрганилиши натижасида жиноят энг кўп содир этиладиган ҳолатларни чеклашга ҳаракат қилинганлигини кўришимиз мумкин. Мижоз ҳақида юқорида таъкидланган маълумотлар ҳаракат амалга оширилгандан сўнгги 5 йиллик муддат давомида сақланишини хизмат кўрсатувчи субъект таъминлаши лозимки, бунинг натижасида кейинчалик аниқланган жиноятларни исботлаш суд-тергов органлари учун осонлаштирди.

Масъул субъектлар қуйидагилар: кредит ташкилотлари, молия муассасалари, бошқарув компанияси, инвестиция компанияси, тўлов институти, суғурта компанияси, суғурта воситачиси, адвокат ёки тегишли равишда малакали аудиторлик ёки Финляндияда мажбурий рўйхатга олинган бошқа давлатларнинг юқоридаги каби субъектлар ҳисобланади.

МДХ мамлакатларида пул ювишга қарши курашнинг миллий хусусиятлари ҳақида гапирар эканмиз, МДХнинг турли мамлакатларида жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун қонунчилик базаси ривожланишининг турли боскичларида - баъзи давлатлар 2000 йилларнинг

⁴⁸Act on Detecting and Preventing Money Laundering and Terrorist Financing (503/2008; amendments up to 327/2013 included) manbaa: https://www.finlex.fi/fi/laki/kaannokset/2008/en20080503_20130327.pdf

бошларида, баъзи мамлакатларда жиноятга қарши курашиш тизимини қуришни эндигина бошладилар.

Белорусия Республикаси собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида ўзининг ПФР тизими кашфиётчиларидан биридир - 1999 йилда Россия Федерацияси ва Беларусия ҳукуматлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича ўзаро келишув имзоланган. Беларус Республикасида ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ва уни олдини олишни амалга оширувчи орган 2003 йилда ташкил этилган Беларус Республикаси Давлат Назорат Кўмитасининг (ДФМ) Молиявий мониторинг бўлими ҳисобланади.

Козоғистон Республикаси эса легаллаштиришга қарши кураш режимини қуришни яқин ўтмишда бошланди. Хусусан, 2010 йил 9 мартда Козоғистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил 28 августда имзоланган қонунга ҳилоф равишда қўлга киритилган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қучга кирди. Молиявий Мониторинг Кўмитаси (ЦПМ) - ваколатли орган этиб белгиланиб, ахборот тўплаш, ишлов бериш, таҳлил қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва қонунда кўрсатилган бошқа фаолият унинг вазифаси этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда халқаро тажрибада давлатлараро шартномаларда ҳам жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши халқаро ҳамкорлик, амалдаги жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг халқаро тизимини таҳлил қилиш мобайнида уни зудлик билан келгусидаги ривожланиши ва такомиллашувини таъминлаш лозим бўлиб, бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, турли тизимларга жойлаштирилган жиноий даромадлар, пуллар, товар-моддий бойликлар ҳақидаги маълумотлар ошкоралигини таъминлаш;

Иккинчидан, пул-товарлар оқими ҳақидаги маълумотлардан самарали фойдаланиш;

Учинчидан, хорижий давлатларда жойлашган кўчмас ва кўчар мулк шаклидаги жиноий даромадларни излаш ҳамда мусодара қилишни амалга ошириш.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда жиноий капитални легаллаштиришга қарши халқаро кураш тизимида бир қанча камчиликлар ҳам мавжуд. Ана шундай камчиликлардан бири Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва жиноий даромадларни легаллаштиришга оид икки томонлама шартномаларнинг камлиги бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур шартномаларнинг кўплаб тузилиши молиявий жиноятларга қарши курашда янада самарали бўлар эди. Айни пайтда тузилаётган шартномаларда ўзаро дўстлик тамойили ҳам акс этган бўлиши керакки, бунда шартнома шартларини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва хорижий давлат манфаатларига зарар етмаслигини назарда тутиш керак.

Иқтисодиёти ривожланган хорижий мамалакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки иқтисодий жиноятларга қарши курашиш ва уларни олдини олишда махсус ихтисослашган органни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Масалан: ГФРда бу борада муайян тажриба тўпланган. 1968 йили бу мамлакатда иқтисодий жиноятларни ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилган. Бу орган томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга мувофиқ иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича махсус прокурорнинг худудий бюроси таъсис этилган. Рейн-Вестфал ерида эксперимент ўтказилган, эксперимент мувафақиятли ўтганидан сўнг, мамалакатнинг барча худудларида шундай бюрлар ташкил қилиш тўғрисида Конун қабул қилинган.

АКШда «оқ ёқаликлар» жиноятларга қарши курашишнинг ташаббускори округ атторнейларининг миллий ассоцияцияси бўлиб, у ҳуқуқни қўллаш фаолиятига ҳайрихоҳ маъмурият ёрдамида ва Иқтисодий

жиноятларга қарши кураш дастури марказининг иштирокида иқтисодий жиноятларга қарши курашиш борасида процедура ва уларни очиш методлари бўйича қўлланма ҳамда Дастур ишлаб чиқди. Бу жиноятларни ўрганиш ва очишда асосий вазифа федерал органларига юклатилган. Сабаби, иқтисодий жиноятларга жавобгарлик кўпчилик ҳолларда федерал қонунлар томонидан тартибга солинади. Бундан ташқари ушбу масалага ҳалқаро қонунчиликда ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, илк мартаба жиной даромадларни ювиш, ҳалоллаб олиш терминлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йилда қабул қилинган «наркотик моддаларининг ноқонуний ҳаракатига қарши курашиш тугрисида»ги Вена конвенциясида ифодалаб ўтилган. Ўзбекистон ушбу конвенцияни 29.02.1995 йилда ратификация қилган.

Шунингдек, Ўзбекистон БМТнинг 2000 йилда Палермо шаҳрида қабул қилган конвенциясига ҳам аъзо ҳисобланади. Ушбу конвенция унга аъзо бўлган мамлакатларни ички қонунчилигида жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашни мустақам ҳуқуқий асосларини ташкил қилиш талабини қаттиқ қуйган бўлиб, бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси жинойт кодексига қўшимча тарзда 243-модда, яъни жинойт фаолиятдан олинган даромадлар таснифланиб, ушбу жинойтни содир этган шахсларга қатъий жазо чоралари белгилаб қўйилган. Жинойт йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қарши курашиш жаҳон миқёсида долзарб масалага айланган. Ушбу масалани ечмасдан туриб иқтисодий ривожланиш, терроризм иллатини йўқ қилишга тўсқинлик қилиб келмоқда. Энг асосий муаммони, бу жинойт даромадларни легаллаштириш ҳажми давлатга ва жамиятга етказаетган зараридир. Жинойт даромадларни легаллаштириш жамиятда коррупция иллатлари, мол-мулкни офшор зоналарни ишлатган ҳолда олиб чиқиб кетиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар томонидан фойдасини яшириш ва солиқлардан бўйин товлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг қатори кенгайтирилди.

III БОБ. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Жиноий даромадларни легаллаштириш қарши кураш соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш ва уларни олдини олиш соҳасида молия-кредит тизими фаолиятининг норматив асослари, молиявий операциялар механизми, шартнома муносабатларини ҳуқуқий хусусиятлари ҳақидаги билимларга асосланган изланишлар, янгича ёндошишлар орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ва уларни олдини олишга қаратилган мустаҳкам чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида жаҳон мамлакатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ушбу йўналишдаги жиноятларга қарши курашни ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 2004 йил 26 август куни «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Қонун 5 банд 24-моддадан иборат бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш энг аввало “ҳамкорлик” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ

ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикасининг мазкур соҳада амалга ошираётган халқаро ҳамкорлиги хусусида фикр юритамиз. Бу ўринда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евросиё гуруҳи ФАТФ типидagi минтакавий халқаро ташкилот муҳим аҳамият касб этади. Мазкур гуруҳ 2004 йил 6 октябрда Москвада бўлиб ўтган конференцияда Беларусия, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон томонидан ташкил этилган бўлиб, 2005 ва 2010 йилларда ушбу гуруҳга илгари кузатувчи мақомига эга бўлган Ўзбекистон (2005), Туркманистон (2010) ва Хиндистон (2010) каби мамлакатлар қўшилди. Бугунги кунга келиб мазкур ташкилот ФАТФнинг ассотсиациявий ташкилоти ҳисобланади ⁴⁹.

“Евросиё регионал гуруҳи” (кейинги ўринларда ЕАГ) ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида амалга оширилган ҳамкорлик тўғрисида гапирганда, икки томон ўртасида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасидаги мавжуд тизимнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларга эътибор қаратишимиз зарур. Хусусан, бундай ҳисоботларнинг **биринчиси**, 2010 йилнинг июнь ойида ФАТФ ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган 40 та тавсия ва 9 та махсус тавсиялар асосида олиб борилган. Ҳисоботда мамлакатимиздаги мавжуд тизим ФАТФ талабларининг 40 тасида 22 тасига жавоб бермаслиги баён этилган бўлиб, уни ривожлантириш юзасидан зарур стратегик тавсиялар берилган. Шу асосда, 2010-2016 йиллар оралиғида, Ўзбекистон Республикасининг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасини такомиллаштириш юзасидан 5 та ривожланиш ҳисоботлари таёрланган ⁵⁰.

ЕАГ ўзининг 2016 йил июнь ойида Қозоғистон Республикаси, Остона шаҳрида ўтказилган йиғилишида, Ўзбекистоннинг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга

⁴⁹ <https://eurasiangroup.org/ru/about-eag>

⁵⁰ <https://eurasiangroup.org/ru/respublika-uzbekistan>

қарши кураш миллий тизимини ФАТФ томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга мослаштиришда эришган ютуқлар, шунингдек бошқа индивидуал тавсияларнинг бажарилганлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасини **ташкilot томонидан олиб борилувчи доимий мониторинги тартибидан олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилди.** Бу қарор Ўзбекистоннинг бу соҳадаги жиноятчиликка қарши кураш миллий тизими қатор мамлакатлар томонидан тан олинганлигини аниқлатди ⁵¹.

Сўнгги йилларда бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли қарори қабул қилиниб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳамда оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашувчи махсус ваколатли орган – Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, 20.09.2018 йилдаги Президент қарорига асосан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилиб, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти унинг ишчи органи этиб белгиланди. Ушбу махсус ваколатли давлат органи :

1) легаллаштиришга қарши курашиш чоралари республика ва ҳудудларда молия-банк тизимидаги ҳуқуқбузарликларга қарши мувофиқлаштирилган кураш олиб бориш;

⁵¹ [http://www.fedsfm.ru/content/ear/итoги%2024-го%20плeнума%20ear_plen\(2016\)15rus.pdf](http://www.fedsfm.ru/content/ear/итoги%2024-го%20плeнума%20ear_plen(2016)15rus.pdf) (Ўзбекистан)

2) ҳуқуқбузарлик ҳолатини ўз вақтида қайд ва фош этиш мақсадида хизмат кўрсатиш ҳудудидаги банклар фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш;

3) легаллаштириш жинояти билан шугулланаётган банклар ва уюшган жиноий тузилмалар буйича махсус маълумотлар банкини яратиш;

4) чет эл вакили ва банклари иштирокидаги банк операцияларини каттиқ назоратга олиш;

5) Молия-кредит муносабатларни криминал таъсиридан химоя қилиш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур: асосий куч ва воситаларни молия-кредит муносабатлари соҳасини оператив қамровга олишга йўналтириш;

6) иқтисодиётдаги криминал вазиятнинг ҳолати, интилиши ва прогнози билан боғлиқ ахборотларни ўз вақтида йиғиш, ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштиришни таъминлаш;

7) ноқонуний битимлар, жиноий мақсадларда «бир кунлик» фирмаларни ташкил этиш ҳақидаги маълумотларни амалга ошириш ва таҳлилларни олиш услуб ҳамда шакллари такомиллаштириш;

8) давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилувчи давлат органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликнинг савиясини ва самарадорлигини ошириш.

9) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради; пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар буйича ушбу қонунга мувофиқ равишда олинган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга оширади; мажбурий назоратни амалга оширади;

10) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилади; етарлича

асослар бўлган тақдирда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади ҳамда шу билан бир вақтда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга нормаларида кўрсатилган операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатмалар йўллайди;

11) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шунинг билан бир вақтда халқ депутатлари, ҳокимият ва бошқарув органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларнинг очилиши ва терговига, давлат бюджетининг тақсимоти бўйича мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш ҳолатига ҳамда уларнинг коррупциялашган алоқаларига давлат бошқарув органлари ва банкларнинг ходимлари ва раҳбарлари томонидан содир этилган порахурлик ҳолатларига асосий эътибор қаратилиши лозим.

Махсус ваколатли давлат органининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Мамлакатимизда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилган бўлиб, у қуйидагича ташкил этилган. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чоратadbирларга қуйидагилар киради:

а) мажбурий назорат;

- b) ички назорат;
- c) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш.

Мажбурий назорат қонунга мувофиқ тақдим этиладиган ахборот асосида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар устидан назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, агар уларнинг суммаси операция бажарилаётган кундаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса ҳамда қуйидаги турларда амалга оширилаётган бўлса, мажбурий назорат қилиниши керак:

иккита ёки ундан ортиқ ҳисоб варақлар очиш;

бир кунда ёки бир неча кун мобайнида одатдаги қўламга номувофиқ миқдорда операциялар бажариш;

пул маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобвараққа ўтказиш ва пул маблағларининг Ўзбекистон Республикасига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобварақдан келиб тушиши;

банк омонатларига пул маблағларини нақд ҳолда киритиш;

пул маблағларини нақд ҳолда ҳисобварақдан олиш, ҳисобварақдан ўчириш ёки ҳисобвараққа киритиш, агар бу юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг хусусияти тақозоси бўлмаса;

пул маблағларини жисмоний шахс тақдим қилувчига пул бериладиган ҳужжатлар бўйича олиши;

жисмоний шахс қимматли қоғозларни нақд пулга олиши;

жисмоний шахс юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) пул маблағларини нақд ҳолда киритиши;

учинчи шахслар фойдасига омонат (депозит) очиб, унга пул маблағларини нақд ҳолда жойлаштириш;

чет эл валютасини нақд пулга сотиб олиш ёки сотиш;
бир қимматдаги банкнотни бошқа қимматдаги банкнотга алмаштириш;
мол-мулкни сақлаш учун махсус хоналарни ёки уларда турган сейфларни ижарага олиш учун банк билан шартнома тузиш;
кредит (заём) бериш ёки олиш;
қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ёки бошқа қимматли нарсаларни ломбардга қўйиш;
суғурта шартномаси бўйича суғурта товони (суғурта пули) тўлаш ёки суғурта мукофоти олиш;
лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйналганда ютуқ олиш.

Ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир. Ички назорат амалга оширилаётганда зарур ахборотни расмийлаштириш, унинг махфийлигини таъминлаш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади. Ички назорат қоидалари махсус ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда белгиланади.

Идентификациялаш. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мажбурий назоратни амалга ошириш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни улар тақдим этган ҳужжатлар асосида аниқлашдир. Идентификациялаш қуйидаги маълумотлар асосида амалга оширилади: жисмоний шахсга нисбатан - фамилияси, исми, отасининг исми,

туғилган санаси ва жойи, доимий ва вақтинчалик яшаш жойи, паспортининг (туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасининг) серияси ва тартиб рақами; юридик шахсга нисбатан - фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияда унинг номидан иш кўрувчи жисмоний шахсни идентификациялашга оид маълумотлар.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкый ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзгартириш ёхуд тугатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўлиб, улар банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари, биржалар, инвестиция фондлари, депозитарийлар ва бошқа турдаги инвестиция институтлари, суғурталовчилар, лизинг хизмати ёки бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар, почта алоқаси ташкилотлари, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар, нотариал идоралар томонидан амалга оширилади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, агар уларнинг суммаси операция бажарилаётган кундаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса ҳамда қуйидаги турларда амалга оширилаётган бўлса, мажбурий назорат қилиниши керак: иккита ёки ундан ортиқ ҳисоб варақлар очиш; бир кунда ёки бир неча кун мобайнида одатдаги кўламга номувофиқ миқдорда операциялар бажариш; пул маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисоб вараққа ўтказиш ва пул маблағларининг Ўзбекистон Республикасига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобварақдан келиб тушиши; банк омонатларига пул маблағларини нақд ҳолда киритиш; пул маблағларини нақд ҳолда ҳисобварақдан олиш, ҳисобварақдан ўчириш ёки ҳисобвараққа киритиш, агар бу юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг хусусияти тақозоси бўлмаса; пул маблағларини жисмоний шахс тақдим қилувчига пул бериладиган

хужжатлар бўйича олиши; жисмоний шахс қимматли қоғозларни нақд пулга олиши;

жисмоний шахс юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) пул маблағларини нақд ҳолда киритиши; учинчи шахслар фойдасига омонат (депозит) очиб, унга пул маблағларини нақд ҳолда жойлаштириш; чет эл валютасини нақд пулга сотиб олиш ёки сотиш; бир қимматдаги банкнотни бошқа қимматдаги банкнотга алмаштириш; мол-мулкни сақлаш учун махсус хоналарни ёки уларда турган сейфларни ижарага олиш учун банк билан шартнома тузиш; кредит (заём) бериш ёки олиш; қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ёки бошқа қимматли нарсаларни ломбардга қўйиш; суғурта шартномаси бўйича суғурта товони (суғурта пули) тўлаш ёки суғурта мукофоти олиш; лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйналганда ютуқ олиш. Қонунга мувофиқ белгиланганидан камроқ суммадаги пул маблағлари ёки мол-мулк билан боғлиқ операция, шу операциянинг тарафларидан бири:

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёки ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, мажбурий назорат қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахсни идентификациялаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан икки иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш. Операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришаверади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар амалга оширилиши ҳақида шу операция бажарилиши лозим бўлган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органига ахборот (ҳужжатлар) тақдим этиш; ўз ички назорат тизимини жорий этиш.

Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган юридик ёки жисмоний шахсларга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур операцияларни бажаришни рад этади, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция чет эл валютасида амалга оширилаётган бўлса, унинг миллий валютадаги миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборот – бу Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёхуд жисмоний

шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ёки бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлашлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, махсус ваколатли давлат органининг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан ўтказилаётган мажбурий назоратдан хабардор қилишга ҳақли эмас.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, махсус ваколатли давлат органи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклайдилар ҳамда бундай ахборотнинг тарқатилмаслигини таъминлайдилар.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг охири ва 2020 йилнинг бошида соҳада катта ўзгаришлар юз берди, Хусусан, тижорат банкларида, нобанк кредит тузилмаларида, почта алоқаси провайдерлик хизматларида, риэлторлик хизматини кўрсатувчи муассасаларда, суғурта ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг қарорлари қабул қилинди.

Юқорида кўрсатилган мавжуд механизм бир қараганда мураккабдек туюлади, ammo унда ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд:

Биринчидан, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш тизими тарихини таҳлил этиш, жинойтчиликка қарши кураш ноанъанавий усулларсиз мумкин эмаслигини аниқ кўрсатди. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли молиявий маълумотларни олиш қобилияти жуда чекланганлиги, шунингдек, анъанавий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари молия соҳасида зарур тажрибага эга эмаслиги аён бўлди.

Иккинчидан, бугунги ривожланиб бораётган дунёда янги технологияларнинг юзага келиши жинойй фаолиятдан олинган даромадларнинг яширилиши учун янги имкониятларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, “рақамли иқтисодиёт”, “криптовалюта”, “криптив” каби тушунчалар шулар жумласидандир. Мавжуд қонунчилигимизда мазкур тўлов воситалари ва уларни муомуласи тўлиқ тартибга солинмаган, шунингдек, улар орқали амалга оширилувчи транзакциялар молиявий назорат органларининг назаридан четда қолмоқда. Мамлакатимизда 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинганлиги ҳам бу масалални давлат сиёсати даражасига кўтаради.

Учинчидан, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш энг аввало “ҳамкорлик” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Бу ҳамкорлик ички ва ташқи кўринишда мавжуд бўлиб, уни соддалаштириш мавжуд механизмнинг самарали фаолиятига хизмат қилади. Шу сабабли, соҳа ходимлари ўртасида маълумот алмашилиши билан боғлиқ ички ва ташқи “кўринмас тўсиқ”ларни бартараф этиш биринчи даражали вазифа бўлиши лозим. Биргина мисол, легаллаштиришга қарши кураш фаолиятини олиб бориш оид маълумотни хорижий мамлакатлардан олиш ваколати фақатгина марказий органларга берилган бўлиб, бу тузилмаларда иш ҳажмининг кўплиги маълумотнинг ўз

вақтида талаб этилмаслиги ва етиб келмаслигига олиб келади. Натижада, жиноятчи учун қулай шароит туғилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаментининг иш фаолиятининг асосини ташкил этувчи ҳуқуқий манбааларга ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги низомининг 3-боби қоидаларга мувофиқ, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида маълумотларни қабул қилиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, текшириш ва сақлаш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатма бериш Департаментда фақат Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Департаментнинг ҳудудий бўлинмалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операциялар бўйича хабарларни олиш, кўрсатма ва сўровларни юборишга ҳақли эмас.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган қоидалар бир қатор хорижий мамалакатларнинг қонунчилигидаги нормалар билан қиёсий таҳлил қилинганда фарқли жиҳатлар мавжудлиги аён бўлди. Хусусан, Франция Жиноят кодексининг 324-2-моддасида Жиноий даромадларни легаллаштириш доимий фаолият ёки профессионал соҳалар хизматидан фойдаланиш орқали, қуроли гуруҳ билан ҳамкорликда ёки унинг ёрдамида содир этилган бўлса, 750 минг евро жарима ва 10 йилгача озодликдан маҳрум

қилиш билан жазоланиши белгиланган бўлиб, бизнинг қонунчилигимизда жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганлиги билан боғлиқ жиҳатлар очик қолган. Бундан ташқари, Франция Жиноят қонунчилигида мазкур жиноятни содир этганлик учун ҳам жарима, ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазolari биргаликда қўлланилиши белгиланганлиги, ammo Ўзбекистон Жиноят кодексининг 243-моддаси санксия қисмида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Франция Жиноят Кодекси чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга асосий жазо билан бирга мамлакатга кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ қўшимча жазо тури ҳам белгиланганлигини инобатдан олиб, миллий қонунчилигимизда бунга ўхшаш чоралар ишлаб чиқиш тўғрисида фикр юритиш лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистон Респуббликаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги ПФ 5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида мамлақтимиз ҳудудида букмекерлик фаолияти қонунлаштирилиши вазифаси белгиланган. Хорижий мамлақатлар тажрибасидан маълумки, жинойий даромадларни легаллаштиришда букмекерлик ташкилотларидан ва турли хил тотализатор ўйинларидан фойдаланиш энг кенг тарқалган усул ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, келажакда ташкил этилиши мумкин бўлган мазкур тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига оид алоҳида нормалар ишлаб чиқилиши зарур. Хусусан, Буюк Британия қонунчилигига кўра, букмекерлик хизматларидан фойдаланишдан аввал барча мижозлар рўйхатдан ўтиши, маълумотлар текширилиши лозим. Британиянинг бундай муассасаларида алоҳида “Ўйин комиссиялар”и тузулган бўлиб, ушбу комиссия мижоз қанча миқдорда ўйин учун пул тикканлиги, масофадан туруб қанча миқдордаги тўловни амалга оширганлигини қайд этиб, жараён устидан назоратни амалга оширади ⁵² .

⁵² Money laundering regulation 2007 year. Manbaa:
http://www.legislation.gov.uk/uksi/2007/2157/pdfs/uksi_20072157_en.pdf

Келтирилган фактлар мавжуд тизимдаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар доирасини қайта кўриб чиқишни тақазо этмоқда.

Олтинчидан, айрим хорижий давлатларнинг илмий ва амалиёттажирибаси таҳлил қилинганда, жиноий даромадларни легаллаштириш жинояти содир этилганда юридик шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши амалиёти мавжудлиги аниқланди. Масалан, Франция Республикасининг Жиноят қонунчилигининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унга кўра, жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар фақатгина жисмоний шахслар эмас, балки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, Франция Жиноят кодексининг 324-1 ва 324-2-моддаларига кўра, жиноий даромадларни легаллаштиришга оид жиноятлар юридик шахслар томонидан содир этилган бўлса, юридик шахсга ҳам жарима жазоси тайинланиши мумкин. Мамлакатимизда ҳам қисман шундай амалиёт мавжуд бўлиб, буни “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддаси нормаларида кўришимиз мумкин.

Еттинчидан, ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда виртуал ахборот омиллари иқтисодий жараёнларда тобора муҳим рол ўйнай бошлайди. Интернет ва у орқали амалга ошаётган тадбиркорлик фаолиятлари бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун катта истикболларни таклиф этади, аммо шу билан бирга жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш учун ҳам етарлича, янги имкониятни яратади. Интернетдан фойдаланишда уюшган жиноятчилик гуруҳларни жалб қилувчи асосий факторлар тезлик, бепул фойдаланиш имконияти, анонимлик, ҳеч қандай чегараларнинг йўқлиги ҳисобланади.

Саккизинчидан, юқорида таҳлил этилган хорижий мамлакатлардан Буюк Британия, Франция ва Арманистон каби мамлакатларнинг қонун чиқарувчи тузилмаларида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси билан бир қаторда, лойиҳаларнинг жиноятлардан

олинган даромадларни легаллаштиришга қарши экспертизасини ўтказиш амалиёти мавжудлиги аниқланди. Шу муносабат билан, муаллиф томонидан, мазкур амалий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган муаммолар амалиётчи ходимлар билан фикр алмашиш натижасида юзага келган бўлиб, уларнинг ечими жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва бошқа иқтисодий жиноятларга қарши курашиш соҳасининг такомиллашувини таъминлайди. Мазкур масалаларга Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида яна бир бор тўхталиб, керакли таклиф ва тавсияларни кўрсатамиз.

3.2. Жиноий даромадларни легаллаштиришга оид жиноят ишларини юриштида “молиявий тергов” процессуал ҳаракатини жорий этиш истиқболлари

Бугунги кунда жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қарши курашиш жаҳон миқёсида долзарб масалага айланган. Мазкур жараён иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасига ҳам тегишли бўлиб, жиноий даромадларни легаллаштиришнинг давлат иқтисодиёти ривожланиши йўлидаги асосий тўсиқ эканлиги, унинг аҳамиятини янада оширади. Халқаро даражадаги экспертларга кўра, Жиноят ва жиноят процессуал қонунчиликни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш мазкур соҳада самарали тизим яратилишини таъминлайди.

Контрабанда, жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция, наркотик ва қурол яроғ савдоси каби иқтисодий жиноятлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини келтириб чиқаришда муҳим рол ўйнайди. Иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва фош этишда эса жиноятни содир этган шахсни жазолаш ва ноқонуний мулк ва даромаддан маҳрум этишнинг устуворлик тамойили акс этади. Мазкур жараён эса молиявий терговсиз амалга ошиши имконсиз ҳисобланади.

Кўпгина олимларнинг фикрича, иқтисодий жиноятларнинг фош этишнинг икки усул мавжуд бўлиб, булар⁵³:

- a) реактив- жиноят ҳақида хабар келиб тушгандан сўнг уни фош этиш;
- b) проактив- жиноий қилмишларни олдиндан аниқлаш ва фош этишга қаратилган чора-тадбирлар.

⁵³ 74. Seter H.A Quantitative Assessment on the Effectiveness of the International Climate Change Regime: Master's thesis in Political Science [Electronic resource]; NTNU. – Trondheim

Жиноят-процессуал кодексининг 398-моддаси жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашни таъминлаш чораларини қўллашга доир қоидаларни белгилайди. Хусусан, ушбу нормага мувофиқ мувофиқ, Судья суриштирув ёки дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, суриштирувчи ёки терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклаши мумкин. Аммо жиноят процессуал қонунчилигимизда терговчи ва суриштирувчи фуқаролик даъвоси, бошқа молиявий санксиялар ёки мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисидаги ҳукми ижро этиш учун, тегишлича, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки ўз ҳаракатлари учун қонуний жавобгар бўлган шахсларнинг мулкни аниқлаш чораларини кўришлари билан боғлиқ бўлган тўғридан тўғри норма мавжуд эмас.

Амалиётда дастлабки тергов органлари биринчи навбатда ўз қучларини жиноятларнинг очилишига, айбдорларни фош этишга, далил предмети ва ҳолатлар ўртасида жиноят таркибини аниқлашга қаратиб, зарарнинг қопланишини билан боғлиқ жараённи четда қолдирмоқда. Бундан ташқари, жиноятни баҳолаш учун қўлланилаётган миқдорий мезонларнинг аниқ ўрнатилмаганлиги, содир этилган ва очилган жиноятларнинг ўзаро нисбати номувофиқлиги, шунингдек, жиноят ишларини юритишда ташкилий ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги мазкур жараённи янада мураккаблаштирмоқда

Шу муносабат билан жиноят процессининг вазифаларига жиноят процесси органларига жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни мажбурий ва ўз вақтида қабул қилиш тўғрисидаги қоидалар киритилиш лозим.

Қуйида келтирилган маълумотлар Молиявий тергов институтини қонунчиликка жорий этиш ва уни тизимли ҳуқуқий тартибга солиш вақти келганлигини англатади.

Базел бошқарув Институтини томонида ҳар йили эълон қилинувчи “Bazel AML Index” (Швецария) жиноий фаолиятдан одинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш кўрсаткичлари бўйича минимал эксперт ҳисоботларига кўра, 2012-2019 йиллар давомида Ўзбекистон бу борада 10 баллик баҳолаш тизимида ҳисоблаганда ўртача 5-6 баллга баҳланмоқда. Бу кўрсаткич Марказий Осиё давлатлар кўрсаткичига нисбатан паст бўлишига қарамай, Болтиқбуйида жойлашган мамлакатлар кўрсаткичидан анча юқори ҳисобланади. “Bazel AML Index-2019” маълумотларига кўра, Ўзбекистон капитални ноқонуний олиб чиқиб кетиш бўйича мазкур рейтингда мавжуд 125 та давлатлар орасидан 50-ўринни эгаллаган.⁵⁴

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2020 йил феврал ойида берилган маълумотида кўра, прокурор текширишлари ва дастлабки тергов давомида айбдор шахслардан жами 2 трлн. 341 млрд. сўмлик зарарни қопланиши таъминланганлиги айтилган, бу кўрсаткич ундирилиши лозим бўлган зарарлар умумий миқдорининг ярмини ташкил этган.⁵⁵

Халқаро даражада, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам молиявий тергов институтини ташкил этиш учун ўзига хос ҳуқуқий асос яратилган.

Хусусан, Ўзбекистон “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича эвросиё гуруҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июн) ратификация қилган. Аммо

⁵⁴ <https://www.baselgovernance.org/sites/default/files/2019-08/Basel%20AML%20Index%202019.pdf>

⁵⁵ <https://m.kun.uz/news/2020/02/08/bosh-prokuror-noqonuniy-muomaladagi-qancha-dollar-olib-qoyilganini-malum-qildi>

тасдиқлаш пайтида қилинган келишувлар, афсуски, унинг қоидаларини тўғридан-тўғри амалиётга татбиқ этишга имкон бермайди. Яқин келажакда масаланинг бу жиҳатини кўриб чиқиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, “Жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисида”ги (Варшава, 2005 йил 16 май) ҳамда “Жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, мусодара қилиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги конвенцияларни (Страсбург, 1990 йил 8-ноябр) ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш зарур. Чунки мазкур ҳужжатларнинг нормаларига кўра, тарафлар бу соҳада қонуний чоралар кўриши лозимлиги қатъий белгиланган.

Кўрсатиб ўтилган муаммонинг муваффақиятли ҳал этилиши миллий жиноят процессуал қонунчилигида молиявий тергов институтини жорий этиш зарурати билан боғлиқ. Дастлабки тергов доирасида ва ҳукмни ижро этиш босқичида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи жиноят процессуал нормалар комбинацияси сифатида молиявий тергов институти ички ва халқаро қидирув, жиноий йўл билан олинган маблағлар ва мулкни мусодара қилиш учун ҳуқуқий асос юзага келишини таъминлайди.

Бизнингча, молиявий тергов жараёни қуйидаги кетма-кет ва ўзаро боғлиқ босқичлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

- 1) Дастлабки тергов билан бир вақтда ёки унинг доирасида ўтказилган параллел молиявий тергов;
- 2) Судгача бўлган иш юритиш давомида жиноий йўл билан олинган мол-мулкни суднинг қарорисиз мусодара қилиш амалиёти
- 3) Қонуний кучга кирган ҳукмга асосан ўтказиладиган молиявий тергов

Жиноят-протсессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги ҳукмларнинг ижро этилиш босқичига нисбатан хорижий мамлакатлар амалиётида мавжуд молиявий тергов моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, унга қуйидаги мажбурий таркибий қисмлар киради⁵⁶:

1. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми (қарори) молиявий тергов ўтказиш тўғрисидаги бандни ўз ичига олган бўлса;

2. Молиявий тергов муддатларини белгилаш (суд хужжати қонуний кучга кирган пайдан бошлаб ва судловни ижро этишнинг даъво муддати тугагунга қадар);

3. Молиявий тергов чегаралари (фақат жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш учун зарур бўлган доирада жиноий йўл билан топилган яширин пуллар ва бошқа бойликларни топиш ҳамда уларни мусодара қилиш);

4. Молиявий тергов усуллари (тижорат сирларини ўз ичига олган маълумотларни, тадбиркорлик битимлари, банкдаги ҳисобварақларнинг ҳолати, солиқ тўловлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек шахсий махфий маълумотларни олиш учун тезкор-қидирув тадбирларини, тергов ва бошқа протсессуал ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилиши);

5. Молиявий тергов жараёнига жиноят протсессининг ҳибсга олиш ва эҳтиёт чораларини қўллаш билан боғлиқ қоидаларини қўлламаслик ;

6. Молиявий тергов устидан прокурор назоратини йўлга қўйиш;

7. Судларда прокурор илтимосига биноан давлат ёки жиноий ишдаги жабрланувчилар манфаати учун мусодара қилиниши мумкин бўлган мол-мулкни яширишга қаратилган битимларни (сотиш, ҳадя қилиш, ижарага

⁵⁶ Руководство ФАФТ по финансовым расследованиям: оперативные вопросы. Отчет ФАФТ, июнь 2012 г. С. 8, 15-16.

бериш, ишончли бошқарувга топшириш ва ҳоказо) ҳақиқий эмас деб топишнинг ўзига хос амалиётини жорий этиш;

8. Молиявий тергов амалга оширилиши давомида аниқланган мол-мулкнинг тақдири тўғрисидаги суд қарори.

Молиявий тергов жиноий фаолият билан боғлиқ молиявий ишларни тафтиш қилишни (текшириш) аниқлаш, унинг мақсади жиноий фаолият давомидаги пул ва бошқа активларнинг ҳаракатланишини аниқлаш, уларни мусодара қилиш ва жиноят иши учун далил йиғиш ҳисобланади. Бунда далиллар бевосита ва билвосита усулларда йиғилишини кўришимиз мумкин :

Бевосита исботлаш усуллари

1. Аниқ далиллар билан исботлаш (ноқонуний фаолият ёки яширилган мол-мулк);
2. Даромадни камайтириб кўрсатиш;
3. Харажатларни ошириб кўрсатиш ;
4. Имтиёз ва преференцияларни ноқонуний даъво қилиш;

Билвосита исботлаш усуллари

1. Активлар ва харажатлар таҳлили;
2. Харажатлар таҳлили;
3. Банк жамғарма ва омонатлари таҳлили;
4. Кредит карталардан фойдаланилишини ўрганиш (жойи, вақти);
5. Мобиль телефондан ёки бошқа дастурлардан фойдаланиб содир этилганлигини ўрганиш;
6. Ҳар қандай молиявий транзакциялар қолдирган излар;
7. Шахснинг ҳаёт (турмуш) тарзини ўрганиш;
8. Катта молиявий операциялар (харидлар)ни кўриб чиқиш;

Дастлабки тергов билан бир вақтда ёки унинг доирасида ўтказиладиган параллел молиявий тергов ҳусусида сўз борар экан, Жиноий фаолиятдан

олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) тавсияларида (30тавсия) ҳеч бўлмаганда иқтисодий наф келтириши мумкин бўлган барча ҳуқуқбузарликлар бўйича параллел проактив молиявий текширув амалга ошириш тавсия этилганлигига эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, унинг амалий татбиқ этилиши, биринчидан, қонуний жиҳатдан мукамал ҳуқуқий асосга эгаллиги, иккинчидан, дастлабки тергов органларининг кадрлар потенциали битта иш бўйича икки хил терговни амалга ошира олиш имкониятлари билан узвий боғлиқдир.

Шунингдек, судгача бўлган иш юритиш давомида жиноий йўл билан олинган мол-мулкни суднинг қарорисиз мусодара қилиш тўғрисида фикр юритар эканмиз, бу амалиёт фақатгина судда ишларни кўриш босқичида бирон-бир сабабга кўра суд мажлиси айблов ҳукми билан яқунланмаган ҳоллардагина татбиқ этилиши таклиф этилаётганлигига эътибор қаратиш зарур.

Бундан ташқари, ФАТФ халқаро ташкилотининг 2012 йилда чоп этилган қўлланмасида бевосита молиявий тергов институни жорий этишга оид тавсиялар келтирилган. Хусусан, унда кўрсатилишича, мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига молиявий терговни тезкор даражада жорий қилиш учун самарали стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнига интерфаол усуллар билан ёндошишлари керак. Бундай стратегик режаларга киритилиши керак бўлган асосий элементлар куйидагилардан иборат бўлиши лозим:⁵⁷

а) миллий стратегиясини омма олдидан тарғиб қилувчи мамлакат ичидаги юқори лавозимли амалдорларнинг қўллаб-қувватлашини таъминлаш;

⁵⁷ Овчинников В.В. Сетевой Институт в сфере ПОД/ФТ — новый подход к организации подготовки кадров для системы ПОД/ФТ // Финансовая безопасность. – 2013. – № 1. – С. 9-14.

b) барча манфаатдор идораларнинг билим ва кўникмаларини бирлаштирадиган ва ягона харакатлар режасини тузадиган самарали конунчилик чораларини ишлаб чиқиш учун стратегик режалаштириш бўйича ишчи гуруҳларини яратиш. Ушбу ишчи гуруҳлар таркибига молиявий текширувларга жалб қилинган барча манфаатдор идораларнинг вакиллари кириши керак;

с) молиявий текширувларни амалга оширишга йўналтирилган ихтисослаштирилган тергов бўлимларини яратиш;

d) яратилган механизмни ыцллаб қувватлаш учун соҳага оид барча органлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш.

Бундан ташқари, судгача бўлган иш юритиш давомида жиноий йўл билан олинган мол-мулкни суднинг қарорисиз мусодара қилиш тўғрисида фикр юритар эканмиз, бу амалиёт фақатгина судда ишларни кўриш босқичида бирон-бир сабабга кўра суд мажлиси айблов ҳукми билан яқунланмаган ҳоллардагина татбиқ этилиши таклиф этилаётганлигига эътибор қаратиш зарур. Хулоса қилиб айтганда, молиявий тергов амалиётининг жорий этилиши, иқтисодий жиноятларга қарши кураш тизимини янги босқичга олиб чиқа олади. Мазкур амалиёт эса албатта, конунчиликка киритилиши лозим бўлган бир қатор ўзгаришларсиз амалга ошмайди. Шу муносабат билан юқорида келтирилган қатор таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигига, шунингдек иқтисодий интеграция жараёнига таҳдид қилади. Шу жиҳатдан бу иллатга қарши курашишнинг айрим жиҳатлари сифатида қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириш мумкин:

1. Соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар:

Биринчидан, жиноий даромадларни легаллаштиришни олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик алоқаларни соддалаштириш, соҳа ходимининг тўғридан тўғри маълумот алмашинишни йўлга қўйиш ва кўринмас тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги низомининг 3-бобининг айрим қоидаларини [1-иловага](#) мувофиқ ўзгартириш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Аммо, ушбу модда бир қисмдан иборат бўлиб, легаллаштирилган даромаднинг миқдоридан қатъий назар бир хил жавобгарлик белгиланган. Бу эса қилмиш учун жазоларни дифференциация қилиш имконини бермайди. Шу сабабдан ҳам биз, ЖК 243-моддасини [2-иловада](#) келтирилган таҳрирда баён қилиш;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги ПФ 5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги фармонида мамлақтимиз ҳудудида букмекерлик фаолияти қонунлаштирилиши вазифаси белгиланганги ва хорижий

мамлакатлар тажрибасида жиноий даромадларни легаллаштиришида букмекерлик ташкилотларидан ва турли хил тотализатор ўйинларидан фойдаланиш энг кенг тарқалган усул ҳисобланишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида келтирилган тизимдаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар доирасига спорт агентлари ва букмекерлик конторалари деган жумлани қўшган ҳолда [3-иловага](#) мувофиқ талқин этиш;

Тўртинчидан, жиноий даромадларни легаллаштириш юзасидан юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда иштирок этганлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи меъёрларни киритиш таклиф этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунига [4-иловада](#) кўрсатилган талқиндаги 24¹-моддани киритиш;

Бешинчидан, рақамли иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга криптовалюта ва криптоактивларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

2. Соҳага оид назарияни такомиллаштириш бўйича тавсиялар:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасида келтирилган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш» тартибини қайта кўриб чиқиш ва ушбу жиноятни

Жиноят кодекси Иккинчи қисмининг үчинчи бўлимига, яъни иқтисодиётга қарши жиноятлар соҳасига киритиш тавсия этилади. Ушбу таклифнинг долзарблиги магистрлик диссертациясида Россия Федерацияси, Қозоғистон, Молдова каби мамлакатларнинг жиноий-ҳуқуқий тажрибаси ва бир қатор доктриналар билан тасдиқланган.

Иккинчидан, соҳага мамлакатимизда амалга оширилувчи жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш фаолиятида мавжуд бўлмаган ҳамда назарий томонлари ишлаб чиқилмаган “молиявий тергов” процессуал жараёнини жорий этиш мақсадида, молиявий тергов тушунчаси, унинг амалга оширилиш усуллари ва ҳуқуқий асосларини жорий магистрлик диссертациясида келтирилган назарий таклиф ва тавсиялар асосида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

3. Соҳага оид амалий фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар:

Биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг зарур малакаси ва тайёргарлигига етарлича эътибор бериб, молиявий ва ҳуқуқий соҳалар бўйича билимларнинг етишмаслигини бартараф этиш ва ҳар йили ушбу тоифадаги ходимлар учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда малака оширишни таъминлаш лозимлиги аниқланди. Шу муносабат билан Бош прокуратура Академияси билан ҳамкорликда легаллаштириш жиноятига қарши кураш соҳасида фаолият юритувчи кадрлар тарбиялаш, уларга мазкур жиноятчилик тушунчаси ва фарқли жиҳатлар, унга қарши кураш механизми тўғрисидаги зарур билимлар бериш;

Иккинчидан, интернет орқали амалга оширилувчи хизматларининг ривожланиши жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш учун етарлича, янги имкониятни яратиши сабабли ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қуйидаги инновацион чоралар таклиф этилади:

- тўловчиларни идентификация қилиш тартибини кучайтириш;

- шубҳали амалиётларни чеклаш ва миқозлар назоратини кучайтириш, шунингдек тўловларни назорат қилиш ва ҳисобот бериш;

- банк ва банкдан ташқари мобил молиявий хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш.

Учинчидан, кўпгина хорижий мамлакатларда қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши экспертизасини ўтказиш амалиёти мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон қонунчилига мазкур амалий тажрибани олиб кириш таклиф этилади. Ўзбекистон Республикасида норматив ҳуқуқ ҳужжатлари лойиҳаларининг жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши экспертизасини ўтказиш амалиётини жорий этиш;

Тўртинчидан, жиноий фаолиятдан олинган мол-мулк ва воситалар шаклини ўзгартириб миллий иқтисодиётга киритилишини инобатга олиб, жиноят предметини мусодара этиш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида процессуал ва бошқа шаклдаги ҳамкорликни ҳамда ўзаро самарали ҳуқуқий ёрдамни янада кучайтириш;

Бешинчидан, “хуфёна” иқтисодиётни олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан, чакана ва улгуржи савдо; молия, кредит, шоу бизнес, ҳайрия ташкилотлари устидан назоратни кучайтириш таклиф этилади.

Юқорида қайд этилган таклифлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва банк-молия тизимлари ўртасида процессуал ва бошқа шаклдаги ҳамкорликни ҳамда ўзаро самарали ҳуқуқий ёрдамни ташкил этиш, шунингдек криптовалюта ва криптоактивлар билан муомала қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, трансмиллий ва халқаро жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик белгилаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Тошкент: Ўзбекистон, 2019. — 39 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.—Тошкент: Адолат, 2019. — 229 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.—Тошкент: Адолат, 2018. — 671 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. К.25. — Тошкент: Адолат, 2004. — 480 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуни., Халқ сўзи, № 241(5408). 2011 йил 14 декабр. — Б. 3-4.
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 103 ва 40-сонли қарорига илова. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари». "Ўзбекистон Республикаси Қонун Хужжатлари тўплами", 2009 йил, 45-сон, 495-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сонли буйруғига илова. «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари» "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 45-сон, 492-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 13.10.2009 й. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга

қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил 45-сон 495-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 44-сон, 472-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида”ги қарори. 20.02.2007 й. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 7-8-сон, 62-модда.

II. Асосий адабиётлар

- 1.** Аверьянова Т.В, Р.С Белкин, Ю.Г.Корухов, Е.Р. Россинская. Криминалистика. Учебник для вузов. Под ред. Заслуженного деятеля науки Российской Федерации, профессора Р.С.Белкина. - М.: Издательство группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. С. 688.
- 2.** Афанасьев Н.Н. Преступление в сфере экономической деятельности. Уголовное право. Особенная часть. Учебник. Под. ред. Н.И. Ветрова и Ю.И. Ляпунова. М. 1998. С 290-291.
- 3.** Бухарев В.Б., Трунцевский Ю.В., Шулепов Н.А. Зарубежный опыт в сфере правового регулирования противодействия легализации (отмыванию) доходов, приобретенных преступным путем.// Международное публичное и частное право. 2007. №4
- 4.** Безценный А.П. Постатейный практический комментарий к Федеральному закону от 7 августа 2001 г. №115-ФЗ «О противодействии легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма» для работников кредитных организаций. М., 2005. С. 19-20.
- 5.** Волженкин Б.В. Экономические преступления. С. 109.

6. Венская конвенция 1988 г. и Конвенция Совета Европы «Об отмывании, выявлении, изъятии и конфискации доходов от преступной деятельности» 1990 года
7. Волженкин Б.В. Экономические преступления. С 57.
8. Волошко А.И. Взаимосвязь норм внутри государственного и международного права по обеспечению и защите личных и политических прав человека. Дис. на соискание уч. ст. канд. юрид.наук.-М., 1992.-с. 55.
9. Годовой отчет Специальной финансовой комиссии по проблемам отмывания денег за 1998-1999 гг. Приложение. Париж, 1999. С. 16-18.
10. Гаухман Л.Д. Максимов С.В. Уголовная ответственность за преступления в сфере экономике.М. 1996.
11. Драпкин Л. Я., Злоченко Я. М., Вафин Р. Р. Наркотрафик в современном мире: психофизиологические и нейрофизиологические методы исследований противодействия финансированию международного терроризма. Екатеринбург, 2003. С. 116.
12. Мирзаев Ф.И. “Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашнинг миллий тизими. /Ўқув қўлланма. / Ф.И.Мирзаев. / Бош прокуратура Академияси / Тошкент., 2019 й. 164б.
13. Мирзараимов И.М. “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни олдини олишнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик чоралари” Д. канд. юрид. наук. - Ташкент: ТГЮУ, 2003. -Б.124.
14. Неъматов Ж.А. Уголовно-правовые проблемы международного сотрудничества в борьбе с легализацией доходов, полученных от преступной деятельности. Д. канд. юрид. наук. - Ташкент: Академия МВД РУз, 2002. -Б.150.
15. Зубков В., Осипов С. Российская Федерация в международной системе противодействия легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма / - 2-е изд., перераб. и доп. - Москва : Спецкнига, 2007. - 751 с.
16. Barnwell A.T. Multiple Measurement of International Regime Effectiveness: Comparative Study of the International Ozone Depletion Regime and Climate Change Regime: Master Thesis [Electronic resource]; NTNU. – Trondheim, 2011. – 87 p.

17. Beuck N. Effectiveness of international environmental regimes – case studies of the international commissions for the protection of the Rhine, Elbe, Oder and Lake Constance: Master thesis [Electronic resource]; Linkoping University. – Linkoping, 2004. – 99 p.

18. Kissler S. Financing Terror: An analysis and Simulation for Affecting Al Qaeda's Financial Infrastructure: Dissertation [Electronic resource]; Pardee RAND Graduate School. – Sanata Monica, 2004. – 243 p.

III. Даврий нащрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Алиева В.М. Легализация (отмывание) доходов, полученных незаконным путем. Уголовно-правовое и криминологическое исследование: Монография. М: Институт современного право, 2001.С.16.

2. Алешкин А. И. Предмет доказывания и особенности оценки доказательств при расследовании преступлений, связанных с легализацией (отмыванием) денежных средств или иного имущества приобретенного незаконным путем. Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 .-М.: РГБ, 2003 121.ст.

3. Аслаян Л.С. Противодействие легализации доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма [Электронный ресурс]. – Ростов-на-Дону: VI Международная студенческая электронная научная конференция, 2014.

4. Дармилов А.М установление объективных субъективных признаков преступления как предмет доказывания в процессе расследования незаконного оборота наркотиков (теоретические и тактико-методические аспекты). Диссертация на соискание ученой степени канд. наук.-Краснодар. 1998.С.42-43.

5. Зимин В.П. Применять, применять и ещё раз применять // Моск. Журн. Междунар. Права. 1996. № 3 С. 258; Бастыркин А.И. Взаимодействие внутригосударственного и международного права в сфере советского уголовного судопроизводство: Автореф. д-ра юрид. Наук. Л., 1997 С.22;

6. Silveira A.J.A. The International Standards on Combating Money Laundering: a Brazilian Perspective [Electronic resource]. – Washington, DC: The George Washington University 2009. – 36 p.

IV. Интернет манзиллари:

1. <http://www.lex.uz>;
2. <https://index.baselgovernance.org>;
3. <http://www.jonesday.com>;
4. <https://www.corporatefinancialweyeklydigest.com>;
5. <https://www.finlex.fi>;
6. <https://www.bafin.de>;
7. <https://www.imolin.org>;
8. <http://lexinter.net>;
9. <http://eur-lex.europa.eu>;
10. <https://www.legislation.gov.uk>.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги
ПФ-5446-сонли фармони билан тасдиқланган

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМИ

3-боб. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида маълумотларни қабул қилиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, текшириш ва сақлаш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатма бериш Департаментда фақат Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси ҳамда мазкур бошқармага бевосита бўйсүнувчи ҳудудий бўлинмаларда ташиқил этилган бўлимлар томонидан амалга оширилади.

Департаментнинг ҳудудий бўлинмаларида фақат Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармасига бевосита бўйсүнувчи ҳудудий бўлмалар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операциялар бўйича хабарларни олиш, кўрсатма ва сўровларни юборишга ҳақли.”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

МАХСУС ҚИСМ

243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, анча миқдордаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса —

энг кам иш ҳақининг үч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки үч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд үч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар кўп миқдордаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса, —

үч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки ишкнчи қисмида қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдордаги мулкка нисбатан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЖИНОЙИ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА

12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

қимматли қозғалар бозорининг профессионал иштирокчилари;

биржа аъзолари;

суғурталовчилар ва суғурта воситачилари;

лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;

пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

бўкмекерлик конторалари;

криптовалюта ва криптоактивлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА
ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА**

24¹-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахснинг жавобгарлиги

Ташилот суднинг қарори асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс сифатида эътироф этилади ва тугатилади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган ташилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташиқарида рўйхатга олинган халқаро ташилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштириш фаолиятини амалга оширган юридик шахс деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти тақиқланади ва бу ташилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.”